O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

ENLIGHTENMENT * XALQ ZIYOLILARI GAZETASI * معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan | 2003-yil 19-noyabr, chorshanba | № 93 (7598)

Da'vat

Fan sarhadlari ufqqa o'xshaydi: ularga qancha yaqinlashilsa, ular shuncha uzoqlashaveradi.

Per BUAST

Ibrat

«Ekosan» xalqaro jamg'armasi tomonidan Xorazm viloyatiga navbatdagi «Salomatlik poezdi» jo'natildi. 29 million so'mlik ushbu yuk viloyatdagi kam ta'minlangan oilalar, nogironlar va mehribonlik uylariga tarqatiladi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

ANJUMAN

O'zbekiston Fanlar akademiyasining 60 yillik yubileyi munosabati bilan Berdaq nomidagi Qoraqalpoq musiqali teatrida ilmiy-amaliy anjuman bo'lib o'tdi.

BUXORO MARRADA

Buxoro viloyati paxtakorlari qabul punktlariga 360 ming tonnadan ziyod qimmatbaho xom ashyo yetkazib, yillik shartnoma rejani bajardi.

«SALOMATLIK» POEZDI XORAZMDA

«Ekosan» xalqaro jamg'armasi tomonidan «O'zbekiston temir yo'llari» davlat aksionerlik kompaniyasi ko'magida umumiy qiymati 29 million so'mdan ortiq dori-darmonlar, kiyim-kechaklar, dezinfeksiyalovchi vositalar, xalq iste'moli mollari ortilgan navbatdagi «Salomatlik» poezdi Xorazmga jo'nab ketdi.

(Davomi 2-betda)

МАКТАБ – ГРАНТ ҲИСОБИДАН ЖИҲОЗЛАНДИ

Андижон вилояти Асака туманидаги "Ўзбекистон мустақиллиги" жамоа ширкат хўжалигида жойлашган 7-мактабга қўшимча равишда 450 ўринли янги бино қуриб фойдаланишга топширилди. Ушбу мактаб 2002 йилда Япония грантини қўлга киритган эди.

— Мактаб биноси қурилиши анча йиллар аввал бошланган ва маблағ етишмаслиги сабабли тўхтаб қолган эди. Туман ҳокимлиги ва ширкат хўжалиги ҳомийлигида қурилиш тезлатилиб, замонавий кўринишдаги бино барпо этилди, — дейди мактаб директори Абдураҳмон Оқйўлов. — Грант берилгандан кейин мактабга 800 та стол-стул, 400 та парта, 12 та лингафон, 9 та Италия тикиш машиналари ҳамда замонавий компьютерлар сотиб олинди.

Бурҳон РИЗО олган сурат.

ТАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАТАНДА:

АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАКТАБИ:
У ТАШХИС МАРКАЗЛАРИ МУТАХАССИСЛАРИГА ҚЎЛ КЕЛАЯПТИМИ?
3-бет

ШАНБАЛИК ВА ҚИСҚА МУДДАТЛИ ГУРУҲЛАРНИНГ АФЗАЛЛИГИ
3-бет

КОНСТИТУЦИЯ — ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ
4-бет

ИЛЛАТЛАР ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?
5-бет

ЁШЛАР ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОРИШИ КЕРАК
6-бет

КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ — ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ОМИЛИ
7-бет

«ҚЎҒИРЧОҚ» ЧАЙНВОРДИ
8-бет

ЎҚУВЧИНГИЗ НЕГА ҒОЛИБ ЭМАС?

Фан олимпиадасининг илк босқичи қандай ўтганлиги хусусида

Устознинг юзи — унинг ўқувчиси. Ўқитувчининг билимдонлиги, феъл-атвори, ҳатто хуснихатию юриш-туриши, одоб-ахлоқи ҳам ўқувчисига «юқади». Ўқувчилардаги лоқайдлик, илмга интилмаслик, дангасалик ҳам бепарво, «тепса тебранмас» айрим ўқитувчиларнинг «маҳсули»дир.

Ўқитувчининг мазмунли, қизиқарли дарси ҳар қандай ўқувчини ҳам мактаб ўйингоҳидан синфга чорлай олади. Бир қолипдаги зерикарли, танбеҳларга тўла «дарс» эса болани дарсдан бездириб, имкон борича «қуён» бўлишига сабаб бўлади. Кўнглимизни кўтарадиган томони шундаки, мактабимизда фидойи устозлар жуда кўп. Шу сабабдан мактабимиз фан олимпиадаларида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Кўпинча фан олимпиадаларининг туман, шаҳар, республика босқичида иштирок этамиз ва бир саволга дуч келамиз: — Нега ўқувчим ғолиб бўлмади, ҳайронман?! Мактабда ёзма ишдан доим «5» баҳо оларди-ку? Тест саволларидан ҳам кам балл тўплабди...

Мени ҳайъат аъзоси сифатида бу савол кўп ўйлантирди ва кузатишларим асосида шундай хулосага келдим.

Олимпиаданинг I босқичида ўқувчилар бир ҳафталик кузги таътил даврида бир неча фандан беллашувда иштирок этадилар. Бугун математикадан олимпиадада қатнашган ўқувчи эртага кимёдан, ундан кейин эса рус тилидан билимини синайди. Куч ва хаёл бўлинади. Натижада ўқувчи толиқиб қолади. Толиққан ўқувчи эса аросатда қолади. Энг мақбул йўли, ўқитувчи ўз фанига иштиёқманд ўқувчини олимпиадага қобилияти ва қизиқишига кўра бир фандан йиллар давомида тайёрлаб бориши, бошқа фан ўқитувчилари билан келишиб, уни фақат ўз фани бўйича мукаммал ўқитиб бориши кутилган натижани бериши тажрибада исботланган. Демак, **олимпиадада бир ўқувчи фақат бир фандан иштирок этмоғи даркор.**

Ta'kid

Ёзма ишлар ҳар ўқув чорагида бир марта ўтилган мавзулар бўйича олинади. Олимпиадада эса эркин мавзуда ижодий ишлар ёздирилади. Агар ўқувчиларга ҳар чоракда бир марта уй иншоси учун эркин мавзулар бериб борилса ва бу ижодий ишлар синчиклаб текширилса, эркин фикрлай оладиган ўқувчиларни ажратиб олиш осон. Одатда билими унча юқори бўлмаган ўқувчини олимпиадага олиб келадилар. Ваҳоланки, чиройли хуснихатга эга бўлмаса-да, равон ёза биладиган ўқувчини танлаб, унинг имло хатоларини тушунтириб, саводхонлигини ошириб, олимпиадага олиб келган маъқул.

(Давоми 2-бетда)

Aks-sado

МУАЛЛИФ ФИКРИГА ҚЎШИЛАМАН

Бизларга яратилаётган имкониятларни, қулайликларни кўриб, биз ёшларнинг ҳам қалбимизда она-Ватанга, туғилиб ўсган юртимизга бўлган фарзандлик масъулиятимиз янада ошмоқда, кенг ва ёруғ синфхоналарда ўқиганимиз боисидан ғайратимизга-ғайрат, шижоатимизга-шижоат қўшилмоқда. Бироқ ютуқлар билан бирга, бир қатор камчиликларимиз ҳам кўзга ташланмоқда.

Муаллиф Ойбуви Очилованинг "Дафтар юзи афишалар тахтасими?" ("Маърифат", 2003 йил 15 октябрь) сарлавҳали мақоласида бу жиҳат асосли таъкидланган. Шу ўринда ёшларнинг онгига видео, компьютер ўйинлари билан бир қаторда телевидение, ва ҳатто, баъзи ўқув қуроллари ҳам салбий таъсир кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Телевидение орқали намойиш этилаётган "Эсмералда", "Камила", "Гвадалупе" сингари савияси паст сериаллар асосини бўлмағур сафсаталар, севги, муҳаббат ҳақидаги қўйди-чиқдилар, ғийбатлар ташкил этади. Энг ачинарлиси, бу сериалларни кўпчилик оилалар жамул-жам бўлиб кўришади. Бизга бу сериаллар қандай маънавий озуқа бера олади? Нимани англашга, қандай масалаларни ечишга ёрдам бера олади? Жавоби оддий, ҳеч қандай. Бу фақат тадбиркорларгагина қўл келиб қолди. Улар сериалларнинг, Голливуд кино актрисаларнинг суратларини дафтар муқовасига қўйиб, ўз бозорларини қиздирмоқдалар. Кино юлдузлару, қўшиқчилар бу "саҳна"да муваффақиятли одимламоқда.

Афсусланарлиси, бозорлардан расмсиз дафтар топиб бўлмаслигини инобатга олган ўқитувчилар ҳам, вазиятдан келиб чиқиб, бунақа "ажойиб дафтарларга эътибор бермай қўйишди. Натижада 4—5-синф ўқувчиларининг қўлида бу дафтарлар пайдо бўлди. Шу суратлар сабабли болаларнинг маънавий онгида салбий ўзгаришлар содир бўлмайди, деб ким айта олади? Дафтарларнинг нархи ҳам осмонда 250 сўмдан 600-700 сўмгача. Бу нарх-наво ўқувчиларга оғирлик қилмасмикан?!"

Шу суратлар ўрнига Амир Темур, Ибн Сино, Хоразмий каби тарихимиз безаги, бизнинг ифтихоримиз бўлган олиму уламоларимиз суратлари ва уларнинг биз ёшларга айтиб қолдирган оқил, доно фикрлари дафтар муқовасидан ўрин олса, уларнинг тарихимизга, ўтмишимизга нисбатан ифтихор руҳида тарбияланишига бироз бўлса-да ҳисса қўша оларди.

Сирожиддин МАМАЖОНОВ,
ЎзМУ қошидаги С.Сирожиддинов номидаги академик лицей ўқувчиси

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ОШКОРА ЎТДИ

ёхуд Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлган «Маърифат» газетаси кунлари» хусусида

Инсон маънавият дунёсининг ривожида матбуотнинг ўрни беқиёс. Гап шундаки, ўз юртида, ўзга юртларда рўй бераётган воқеа ва ўзгаришлар, турфа хилдаги ҳодисаю янгиликлардан бехабар одам, ҳатто ўзининг турмуш тарзига ҳам баҳо бера олмай қолади. Фуқароларимизнинг касбий маҳоратларини ошириб бориш, у ёки бу соҳа бўйича илғор тажриба ва янги услубларни жорий этиш каби муаммоларни ечишда ҳам газетачиликнинг ўзига хос афзалликлари бор. Бу ўринда тармоқ газеталари беминнат дастёрдир.

«Маърифат» юртимиздаги ана шундай нуфузли тармоқ газеталарининг биридир. У ўз саҳифаларида юртимиз таълим тизимида олиб борилаётган барча ишларни қамраб олиш билан бирга ўз муштарийларига Ватанимизда рўй бераётган кундалик янгиликлар, қолаверса олам узра қанот қоқаётган илғор педагогик тажрибалар, ўқишли оммабоп мақолалар чоп этаётганлиги билан ўзга нашрлардан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири газетанинг касбий йўналишини янада чуқурлаштириш мақсадида жойларда «Маърифат» газетаси кунлари»ни ўтказиш тўғрисида махсус буйруқ чиқарди. Ушбу буйруққа биноан, айни кунларда бутун республикамиз бўйлаб таълим-тарбия муассасаларида «Маърифат» газетаси кунлари» ўтказилиб, таҳририят ходимлари томонидан муштарийларнинг фикр-мулоҳазалари ўрганилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

«MA'RIFAT» ҲАМ ТАРБИЯЧИ

Таҳририятимизга кундан-кунга газетамизга намунали тарзда обуна бўлаётганлар сафи кенгайганлиги ҳақида хушхабарлар келиб турибди. Улар сафида Жиззах шаҳридаги 16-«Навбаҳор» мактабгача таълим муассасаси жамоаси ҳам бор. Ушбу жамоанинг 28 нафар ходимлари «Ma'rifat» газетасига обуна бўлишди. Бу ишни улар оммавий ҳаракатлар кетаётганлиги учун ёки мажбурият юзасидан эмас, ўзларига доимо зарур эҳтиёж сифатида қилишди. Боғча мудираси Мелибуви Соатова 80 нафар болани тарбиялашда тарбиячилар билан бир қаторда ««Ma'rifat» газетаси ҳам тарбиячилик қилаётганини таъкидлаб шундай деди:

— Ҳозир соат сайин жамиятимизда мислсиз ўзгаришлар бўлиб турибди. Шунингдек, таълим тизимида ҳам янгиланишлар бўладики, уларни «Ma'rifat» орқали билиб оламиз. Педагогикада юзага келаётган энг сўнгги усул ва услублар, уларни амалиётга жорий қилиш йўлларини ҳам бизга «Ma'rifat» етказиб беради. Айниқса мактабгача таълимда бугун турли хил илғор иш тажрибалари тўпланиб, улар асосида қўлланмалар чиқарилаётган бир пайтда «Ma'rifat»да берилган тажриба ва иш усуллари ёрдамга келади. Шунинг учун ҳам «Ma'rifat»га биз оддий ахборот берувчи газета сифатида эмас, худдики бир қўлланма сифатида қараймиз.

Obuna—2004

Бу гапларнинг исботини логопед ўқитувчи Элмира Дебарсованинг иш фаолиятида кузатдик. Тарбиячи газетамиз саҳифаларида чиққан ўз касбига доир ҳар бир материални, айниқса ноанъанавий машғулотларни алоҳида файл папкаларга тўплаган. Улар асосида эса ўзи қўшимча тарзда кўргазмали қуроллар ясаган. Тарбиячи ишларини кўрсата туриб, шундай деди:

— Биз тарбиячилар ҳозир қаердаки яхши, ишимиз учун керакли нарсани кўриб қолгудек бўлсак, шартта «ўғирлаб» оламиз. Ва ўзимиз изланиб, қўшиб янгироқ ва қизиқроқ усулларни яратишга ҳаракат қиламиз. Бу пайтда аввало «Ma'rifat»ни варақлаб кўрамиз. Шунинг учун газета саҳифаларида вилоят боғчаларида ҳам қилинаётган, аммо кўпчиликка номаълум бўлиб, «сояда» қолиб кетаётган ишлар кўпроқ ёритилса яхши бўларди. Шунингдек, кўпгина тарбиячилар газетада «кашфиёт»и бор машғулотлар сценарийларини кўпроқ бериб бориш ва ҳамкасбларини ҳам бу ишга имкон даражасида бош қўшишлари ҳақида ҳам таклиф билдирди. Муассасанинг барча ходимларида газетага ишонч, ундан нимадир кутиш фикри борлиги ҳар биримизни руҳлантиради.

Насиба ЭРХОНОВА

O'qituvchi yon daftariga

NOYOB TOPILMA

Argentinaning janubiy hududidan qotib qolgan kattagina tuxum topildi. Galeontologlarning aytishicha, bu nodir topilma asrimizdan 80 million yil ilgari yashagan o'simlikxo'r hayvon—titanozavrlarning tuxumi bo'lishi mumkin.

KITOB REKORDI

Dunyodagi g'aroyib rekordlarni o'zida jamlagan Ginnesning rekordlar kitobi ham rekordga erishdi — 1955 yildan buyon nashr etib kelinayotgan kitob eng katta nashrga aylandi. Bu muvaffaqiyatni nishonlash uchun qator shaharlarda yirik tadbirlar o'tkazilishi rejalashtirilgan.

TALABA BOSH QOTIRMOQDA

Marokashlik Taflet ismli talaba 20 ming katakli boshqotirma tuzishga erishdi. Ta'kidlash joizki, Marokashda ilgari hech kim bunchalik ko'p so'zli boshqotirma tayyorlay olmagan edi, Taflet buning uchun 70 kun vaqt sarflagan.

Tarbiya maskani bo'lmish bolalar bog'chasiga endigina qadam qo'ygan jajji bolajonlar bilan ishlash, albatta, murakkab. Ularning har biri bir olam.

Agar "Ma'rifat" o'z sahifalarida "Atamalar" ruknini tashkil etsa, tilimiz rivojiga yana bir katta hissa qo'shgan bo'lardi.

SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI

(Davomi. Boshi 1-betda)

RAMAZON TARADDUDI

Milliy matbuot markazida Ramazon oyi munosabati bilan din ahliga yaratilayotgan sharoitlarga bag'ishlangan brifing bo'lib o'tdi.

YANGI SUG'URTA KOMPANIYASI

Respublika Birja markazida «UNIFOLIS» sug'urta kompaniyasining taqdimoti o'tkazildi.

POPDA SO'ZLASHUV MARKAZI

Pop tumanining eng chekka tog'li qishlog'i bo'lmish Xonobodda xalqaro so'zlashuv markazi ish boshladi.

«O'TKAN KUNLAR» TOJIK TILIDA

Atoqli yozuvchi Abdulla Qodiriyning «O'tkan kunlar» romani Surxondaryolik adib Ismat Qosimzoda tarjimasi asosida Tojikistondagi «Irfon» nashriyoti tomonidan ko'p ming nusxada nashrdan chiqdi.

YAPONIYA DELEGATSIYASI O'ZBEKISTONDA

Yaponiya moliya vazirligining Siyosiy tadqiqotlar instituti vitse-prezidenti Shigeo Kashivagi rahbarligidagi delegatsiya O'zbekiston Respublikasi Bosh vazirining o'rinbosari, iqtisodiyot vaziri Rustam Azimov bilan uchrashdi.

YANGI PARTIYA QURULTOYI

Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati — O'zbekiston liberal-demokratik partiyasining ta'sis qurultoyi bo'lib o'tdi. Qurultoyda partiyaning rahbar organlari saylandi.

YANA 100 TA «MERS»

«Toshshaharyo'lovchitrans» davlat uyushmasiga Germaniyada ishlab chiqarilgan yana 100 ta «Mercedes-Benz Conekto O 345» markali yo'lovchi avtobusi olib kelindi.

TABIIY GAZ KELTIRILDI

AQShning CHF international Xalqaro Tashkiloti CAIP dasturi bo'yicha Qashqadaryo viloyatida bir necha xayrli ishlarni amalga oshirdi. Jumladan, yaqinda Koson tumanidagi Bo'lmas qishloq shifoxonasi isitish tizimi ta'mirdan chiqarildi va tabiiy gaz keltirildi. Ana shu loyihani amalga oshirish uchun CAIP dasturiga ko'ra 4 mln. 286 ming so'm ajratildi.

UCHQULOCHDAGI YANGI SEXLAR

Forish tumanida joylashgan konchilar shaharchasi Bandda yaqinda tashkil topgan yangi marmar sexi 16 nafar ishchini qabul qildi. 20 nafarga yaqin xotin-qizni birlashtirgan tikuv sexida esa tikuv korjomalari, qo'lqoplar tikila boshlandi.

YANGI NASHR

Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati — O'zbekiston liberal demokratik partiyasining «XXI ASR» deb nomlangan gazetasi chiqa boshladi.

ҚИЗИҚАРЛИ ВА ОШКОРА ЎТДИ

Ёхуд Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида бўлган «Маърифат» газетаси кунлари» хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ана шундай учрашувлар Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани «Гулистон» жамоа шират хўжалиги Оққўрғон қишлоғида жойлашган 4-мактабда, Музрабод туманининг Янгиобод қишлоғида жойлашган 7-мактабда бўлиб ўтди. Учрашувлар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга таҳририят ходимлари томонидан жавоблар олишди ва ўз навбатида газета хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Қизларсара ЎТАЕВА, Шеробод туманидаги 4-мактаб директори:

— Истардимки, газета саҳифаларида алоҳида-алоҳида байрамларни ва тарихий кунларни ўтказиш ҳақида ҳам сценарийлар бериб борилса.

Маҳмарайим БОЙҚУЛОВ, Шеробод тумани ХТБ мудири:

— «Меҳмонхона» рукни бизга ёқади. «Меҳмонхона»га янада машҳурроқ одамларни, айтайлик, Нобель мукофоти совриндорларини ёхуд шу каби таниқли инсонларни таклиф қилишларингизни сўраймиз.

Жовли ТОШБОЕВ, Шеробод тумани ХТБнинг ташхис маркази ходими:

— «Маърифат»да мактаб психологларининг фаолияти кам ёритилаяпти.

Абдували ҚУРБОНОВ, Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси матбуот марказининг бошлиғи:

— «Маърифат» газетаси республикамизда фаолият кўрсатаётган таълим ходимларининг бош нашри. Дунё миқёсида таълим-тарбия борасида олиб борилаётган изланишлар, илғор тажрибаларни ҳам ўқитувчи ва тарбиячиларимиз «Маърифат»дан ўрганишлари керак. Таклифим, газетада «Дунёнинг илғор педагогик тажрибаларидан» деган рукн очилмоғи керак.

Дўстқобил ҚОДИРОВ, Музрабод тумани ХТБ мудири:

— Ўқитувчининг эл-юрт, маҳалла-кўйдаги обрў-эътиборини ошириб бориш иши изчил давом эттирилмоғи керак. Бу ишда ҳам «Маърифат» бош етакчи бўлмоғи лозим, деб ўйлайман.

Роҳила ЙЎЛЧИЕВА, Музрабод туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси:

— Газетамизнинг келгуси режаларида «Боғча ва мактаб ҳамкорлиги» масаласига алоҳида эътибор қаратилишини сўрайман.

Шавкат КЕЛДИЁРОВ, Музрабод туманидаги 50-мактабнинг она тили ва адабиёти фани муаллимаси:

— Дарҳақиқат, газетамиз ранг-баранг мавзуларда ўқишли мақолалар бераяпти. Ўқитувчилар фаолияти ва яна мактаблардаги илғор тажрибаларга кўпроқ ўрин берилса, дейман.

Бегойим ДОНОЕВА, Музрабод туманидаги 7-мактаб ўқитувчиси:

— Жойларда баъзи маҳаллий раҳбарлар томонидан таълим ходимларига етарли ҳаётий шарт-шароитлар яратилмаётганлиги ҳолларига йўл қўйилмоқда. «Маърифат» ушбу ҳолатларни ҳам ўз назоратига олишини, ана шу хусусда ҳам чиқишлар қилишларини сўрайман.

Бир сўз билан айтганда, Сурхон воҳасининг Шеробод ва Музрабод туманларида «Маърифат» газетаси кунлари» муносабати билан бўлиб ўтган учрашувлар ниҳоятда қизиқарли, таклиф ва мулоҳазаларга бой, ошкоралик тарзида ўтганлиги билан аҳамиятли бўлди.

***

Қашқадарё вилояти таълим-тарбия муассасаларида бўлиб ўтган "Маърифат газетаси кунлари"да таҳририят ходимларига билдирилган таклиф-мулоҳазалар, айтиш жоиз бўлса, муштарийлар билдираётган миннатдорчиликлардан таълим ходимлари "Маърифат"ни ўзларининг доимий ҳамкори сифатида кўра бошлаганликларига яна бир бор ишондик.

Қашқадарё вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтида ўтказилган "Маърифа" газетаси кунлари" ҳақиқий байрамона тус олди. Институт жамоаси, курсларда малака ошираётган ўқитувчиларнинг, барча-барчаси "Маърифат газетасининг фаолиятини чуқур таҳлил қилишди. Ушбу очиқ мулоқот жараёнида бири-биридан ибратли таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди:

Эргаш ШОДМОНОВ, институтнинг филология кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент.

— Мен ушбу газетани 1951 йилдан буён мунтазам ўқиб келаман. Ўзим ҳам "Маърифат"да неча бор чиқишлар қилганман. Кейинги йилларда "Маърифат" дарҳақиқат, ўз номига мос юртимиз зиёлиларининг ҳақиқий газетасига айланиб бораётганлигидан хурсандман... Шахсан менинг таҳририят ходимларига айтмоқчи бўлиб юрган бир неча таклифларим бор:

Газетада "Иншо" ҳақида, миллий истиқлол ғоясини фанлар таркибида янада чуқурроқ талқин қилиш, матн устида ишлаш каби мавзудаги мақолаларга кенгроқ ўрин бериш керак.

Жомурод ЖИЛОВОВ, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўрибосари:

— Халқ таълими соҳасидаги йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни бизга энг тезкор ва оммавий усулда "Маърифат" газетаси етказиб турибди. Бунинг учун таҳририят ходимларига раҳматлар айтамиз. Бироқ, шу ўқув йилида газетамиз саҳифаларида мактаблар учун янги "ўқув сеткаси" чоп этилмади. Бу эса ишимизда сезиларли даражада қийинчиликлар туғдирди..."

Баҳром МАҲМУДОВ, институтнинг кафедра мудири, шоир ва ёзувчи:

— Кейинги йилларда университет ва педагогика коллежларини битириб ишга келишаётган ёш мутахассисларнинг билим ва маҳорат даражаларини етарли, деб айта олмайман. Ана шу мавзуни "Маърифат" ўрганиб кўрмоғи керак...

Эштемир НОРБОЕВ, институт ректорининг маънавий-маърифий ишлари бўйича ўринбосари:

— Газета ўз муштарийлари билан доимий алоқа ўрнатиши керак. Менимча, газетада "Муштарий нима дейди?" рукни ташкил этилиб, газетхонларнинг фикр-мулоҳазалари бериб борилса, фойдадан холи бўлмасди.

Мамлакат ҚОДИРОВА, Қарши шаҳар ХТБ мудири, тарих фанлари номзоди.

— "Маърифат" муаллимларимизнинг энг оммавий газетаси ҳисобланади. Уни бугунги кунда нафақат таълим ходимлари, институт ва коллежларнинг талабалари, мактабларимизнинг юқори синф ўқувчилари, кўп сонли ота-оналаримиз ҳам ўқишаяпти.

Юртимиз тарихига оид маълумотлар билан ҳаммамиз қизиқамиз. Газетада юртимиз, миллатимиз тарихига, тарихий шахсларимиз ҳаётига оид мақолалар кўпроқ чоп этилишини сўрайман.

Суяр ТОШЕВ, Қашқадарё вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти ректори, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

— Кундалик газета нашрлари келганда, энг биринчи бўлиб "Маърифат"ни қўлимга оламан. Бир мен эмас, таълим ходимларининг барчаси ҳам шундай қилишса керак. Тан олиш жоизки, муаллимларимиз севимли "Маърифат" газетасидан жуда кўп нарсаларни ўрганишаяпти. Республикамизда чоп этилаётган газеталар орасида "Маърифат"нинг ўз ўрни бор.

Шахсан менинг ҳам таҳририят ходимларига билдирадиган бир-иккита таклифларим бор:

Газетадаги "Муаммо, мулоҳаза" деб номланган рукнга кўпроқ эътибор қаратмоқ керак. "Янги педагогик технология" бўйича бир қатор мақолалар чоп этилаяпти. Бу ишни кучайтириш керак. Худди ана шу хусусда мақолалар танлови эълон қилинса, айни муддао бўларди.

Яна битта гап. Агар "Маърифат" ўз саҳифаларида "Атамалар" рукнини ташкил этса, тилимиз ривожига яна бир катта ҳисса қўшган бўларди.

Таҳририят ходимлари Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманидаги 1-мактабда ва Яккабоғ туманидаги 75-мактабда ҳам бўлишиб, ғузорлик ва яккабоғлик муштарийларнинг ҳам фикр ва мулоҳазаларини ўргандилар.

Ҳа, учрашувлар давомида айтилмаган таклиф-мулоҳазалару, ютуқ ва камчиликлар қолмади, десак ончалик хато қилмаган бўламиз.

Хулосаларимиз ниҳоясида шуни айтмоқчимизки, сиз азиз муштарийларнинг жонкуярлик билан "Маърифат" газетангиз ҳақида билдирган таклиф ва мулоҳазаларингиз таҳририят ходимларининг келгуси иш фаолиятларида асосий дастурламал бўлиб қолади.

Абдували ОБИДДИНОВ, "Маърифат"нинг махсус мухбири

ЎҚУВЧИНГИЗ НЕГА ҒОЛИБ ЭМАС?

фан олимпиадасининг илк босқичи қандай ўтганлиги хусусида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қолаверса, ўқитувчи ёзма ишларни синчковлик билан текширмоғи, бирорта ҳам имловий, услубий хатоларни ўтказиб юбормаслиги лозим. Шунда ўқувчида «Мактабда доим «5» олардим, ҳайъат аъзолари ёзма ишимни нотўғри баҳолашди» деган нотўғри тасаввур уйғонмайди. Алоҳида таъкидлашни истардимки, ёзма ишларга атайлаб паст баҳо ёки аксинча ўртача ишга юқори баҳо қўйиб бўлмайди. Чунки ёзма иш — кўзгу. Унда барча камчиликлар, имловий ва услубий хатолар рўй-рост кўриниб туради. Олимпиада иштирокчилари ва уларнинг устозлари ёзма ишларни бемалол кўришлари, норози бўлган тақдирда аппеляцияга ҳам беришлари мумкин. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, **устозлар ёзма ишларга эътиборни оширмоқлари, эркин мавзуда уй иншолари ёздириб бормоқлари лозим.**

Тест синовлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, мактаб олимпиадаларида ҳар бир ўқитувчи ўз билими даражасида тест саволлари тузади. Натижада унча мураккаб бўлмаган тест топшириқларидан юқори балл тўплаган ғолиб ўқувчи туман ёки шаҳар босқичида паст кўрсаткичга эришади. Ёки ўқитувчи урғу берган мавзуга туман, шаҳар босқичида эътибор берилмай, кам ўрганилган мавзуга доир кўплаб саволлар тушиши мумкин. Айниқса, **шаҳар ва республика босқичи олимпиадаларида баъзан дарсликдан ташқари баҳсталаб саволлар ҳам берилиши мумкинки, буларга чек қўймоқ керак.** Ўқувчи қайси дарсликларни қуйи синфда ўқиб ўрганган бўлса, шу дарсликдан келиб чиқиб, тест топшириқлари бериши керак. Негаки, ҳозирги 10—11-синф ўқувчилари танлов асосидаги дарсликлардан, ундаги айрим мавзу, ҳатто илмий атамалардан бехабар. Тест топшириқлари тузилаётганда ана шу томонларга ҳам эътибор берилса, норозилик бўлмайди. Бизнингча, **мактаб, туман, шаҳар босқичидаги олимпиадалар учун ҳам «банк» жорий қилиниб, барча учун ўртача мураккабликдаги, аммо бир неча вариантли тест топшириқлари берилгани маъқул.**

Саволлар 200—300 та бўлиб, улар оддий, мураккаб ва ўта мураккаб турга бўлиниб, олимпиада ва унинг ҳар бир босқичи учун ушбу турдаги топшириқлардан нечтадан танлаб олиниши тавсия сифатида ўқитувчиларга етказилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда ўқувчилар ҳам йил давомида олимпиадага тайёрланиб борадилар.

Ўқувчи қалби гулдан-да нозик. Олимпиаданинг ҳар бир босқичида ғолиб бўлган ўқувчини тақдирлаймизу, 2-3-ўринни олган иштирокчини унутамиз. Ваҳоланки, олимпиада иштирокчиларининг бари бир оғиз ширин сўз, эътиборга лойиқ. Буни унутмасак, келгуси йилда олимпиадада иштирок этадиган ўқувчини излаб юрмаймиз.

Ушбу фикрлар, албатта, баҳсталаб. Кимдир қўшилади, кимдир эътироз билдиради. Хўш, нима қилинса, олимпиадаларда юқори кўрсаткичга эришиш мумкин? Республика олимпиадаси ғолибларининг устозлари, бу ҳақда сиз нима дейсиз?

Маҳмуда ВАЛИЕВА, Юнусобод туманидаги 274-мактаб муаллимаси

ҚАРОРГА АМАЛИЙ ЁНДАШУВ

Шу йилнинг 22 август куни Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ишлар фаолиятини такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида"ги 364-сонли Қарори ҳамда унга мувофиқ равишда дастур қабул қилинган эди. Унда бу соҳадаги маънавий-маърифий ишларга кўмаклашиш мақсадида малака ошириш курслари ва илмий-назарий семинарлар ташкил этилиши ҳам режалаштирилган.

Куни кеча Тошкент ислом университетида олий таълим муассасалари маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи проректорлари иштирокида ана шундай семинарлардан бири бўлиб ўтди.

Семинарда таъкидланганидек, турли ғайрисиёсий, ғайриинсоний фаолият билан шуғулланувчи зарарли оқимларга ёшларимизнинг кўр-кўрона кириб қолишига— диний соҳада етарли билимларга эга бўлмаслик, шунингдек аксарият ҳолларда адашган ёшларнинг мутлақо саводсизлиги бош сабаб бўлмоқда. Шу боисдан таълим муассасаларида асосан дунёвий билимлардан таҳсил олаётган минглаб ёшларимизнинг онгига ислом дини, унинг мазмун-моҳияти, мақсад-вазифаларини тўғри етказиш, шунингдек, ислом ва террорчилик, ислом ва диний ақидапарастлик иллатлари ёки экстремистик ташкилотларнинг манфур фаолиятлари юзасидан мулоқотлар олиб бориш зарур, албатта.

Анжуман давомида иштирокчилар "Ёшларни диний экстремистик оқимлар таъсиридан ҳимоя қилишда таълим муассасаларининг ўрни", "Экстремистик оқимлар ва соф исломий таълимот", "Миссионерлик ва унинг замонавий кўринишлари", "Диний-маърифий йўналишдаги ислоҳотлар: воқелик, муаммолар ва вазифалар" мавзуларида маърузалар тинглаб, баҳс-мунозара олиб бордилар.

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ, "Ma`rifat" мухбири

Seminar

СУВ РЕСУРСЛАРИ ОЛИМЛАР МУҲОКАМАСИДА

Яқинда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институтида Гидроинформатика ва сув ресурслари ўқув маркази, Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган "Француз - Ўзбек институционал имкониятларни ривожлантириш ҳамкорлиги" мавзусида семинар кенгаш бўлиб ўтди.

Семинардан кўзланган асосий мақсад Франциянинг Бордо Университети, Франция Давлат Геологик хизмати ва ТИҚХМИИ ўртасида ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки томонлама академик алмашувни йўлга қўйиш, сув ресурсларидан мукаммал фойдаланишда, уни муҳофаза қилишда биргаликда илмий ишлар олиб бориш, янги замонавий ўқув дастурлари ишлаб чиқишдан иборат. Ҳамкорлик доирасида иш режаси тузиб олинди. Шунингдек, ўзбек ва француз олимлари ўртасидаги ҳамкорлик меморандуми ҳам имзоланди.

Учрашувда сув ресурслари соҳасида ўзбек ва француз олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар шарҳи, ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳам муҳокама этилди.

Семинарда ТИҚХМИИ ректори, профессор Ф. Ақназаров, Франция элчихонасининг илмий ишлари бўйича маслаҳатчиси жаноб Рожен Бубегира ва бошқа расмий вакиллар иштирок этишди.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда бу семинарнинг аҳамияти катта.

Маъмура ҚУТЛИЕВА, Холида ҒАЙБУЛЛАЕВА, ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабалари

Тарбия маскани бўлмиш болалар боғчасига эндигина қадам қўйган жажжи болажонлар билан ишлаш, албатта, мураккаб. Уларнинг ҳар бири бир олам. Аммо шундай бўлса-да, улар тажрибали тарбиячилар қўлида тарбиялансалар, тезда боғча муҳитига кўникиб, бир-бирлари билан дўстлашиб кетадилар. Бунинг учун эса боғча опаларнинг маҳорати, болалар билан ишлаш усули катта аҳамиятга эга. Касби туманидаги 1-«Нилуфар» мактабгача таълим муассасаси тарбиячилари Ашура Ҳазратқулова ва Дилафрўз Дўстарова шундай тарбиячилар сирасига киради. Уларнинг тарбиядаги ўзига хос усуллари болажонларга манзур бўлмоқда.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

САВОЛ: Халқаро туризм соҳаси бўйича қандай мутахассисликлар бор ва уларни қаерда эгаллаш мумкин?

М.ҲАКИМОВА
Андижон вилояти, Пахтаобод шаҳри, 36-ўрта мактаб

ЖАВОБ: «Халқаро туризм» факультети Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июндаги «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан юқоридаги Фармон асосида қабул қилинган 1999 йил 2 июлдаги 324-сонли «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ташкил қилинган. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида очилган Халқаро туризм факультети халқаро стандартларга мос келадиган мутахассисларни тайёрлаяпти. Бугунги кунда факультетда 4 та: «Туризм», «Менежмент», «Сервис», «Маркетинг» йўналишлари бўйича таълим берилади.

Факультет учун университетнинг 7-ўқув биноси 1-қаватидан жой ажратилган ва «Туризм менежменти», «Туризм сервиси», «Туризм маркетинги» кафедралари жойлаштирилган.

Й.АҲМЕДОВ, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

"Maktab"ning vazifalari sirasiga tashxis markazlari xodimlarining bevosita amaliy faoliyatida asqotishi lozim bo'lgan bir qator masalalar ham kiritilgan.

— Asosan shanbalik guruhlarida ta'lim-tarbiya boshqalar o'ylagandek, kuchli, ko'p ma'lumotlarni birdaniga singdiradigan tarzda emas, oson va engil, o'yin mashg'ulotlariga asoslangan holda beriladi.

Maktabgacha ta'lim

ШАНБАЛИК ВА ҚИСҚА МУДДАТЛИ ГУРУҲЛАРНИНГ АФЗАЛЛИГИ

уларда шу йил мактабга илк қадам қўйган болаларнинг 61 фоизи тайёрловдан ўтди

Боғчада болани мактаб таълимига тайёрлаш мақсад қилинган ҳолда тарбия жараёни олиб борилади. Мактабгача таълим муассасасида тарбияланадиган боланинг имкониятлари ҳар томонлама юқори бўлишини биламиз. Яъни у боғчада давлат талаблари асосида мактаб партасигача бўлган кўникма ва малакаларни эгаллайди. Шунингдек, боғча кўрган боланинг диққати шаклланган, ўзига-ўзи хизмат кўрсата оладиган, кўпчилик ҳамда тенгдошлари билан тез мулоқотга киришиш каби кўплаб хислатларга эга бўлади. Аксинча, боғча кўрмаган болаларнинг аксариятида эса тортинчоқлик, одамовилик сезилиб туради. Бироқ, биринчи синфга қадам қўйган боғчага борган бола ҳам, бормаган бола ҳам бир хил дастур асосида ўқитилади. Худди шу ҳолат боис айрим ҳолларда боғчага бормаган болалар иқтидори яширин ҳолича қолиб кетади. Бундайлар эвазига оқибатда қолоқ ўқувчилар сафи кенгаяди. Шундай экан, турли сабабларга кўра боғчага бормаётган болалар тақдирига бефарқ қараб бўладими? Ушбу масала ечимини республикамизда кечаётган таълим ислоҳотларидан излаб кўрамиз. 2000 йилда ХТВнинг таълим муассасаларида сармоядан ташқари маблағ ишлаб топишни ташкил қилиш бўйича тавсияномаси тасдиқланган эди. Унга кўра, боғчага қатнамайдиган болаларни саводга ўргатиш, мактабга тайёрлаш, шанбалик, якшанбалик гуруҳлари очиш, улар учун тўгараклар ташкил этиш ҳам белгиланган эди. Бу вазиятда икки томонлама: ҳам маърифий жиҳатдан, ҳам моддий жиҳатдан наф кўрилишини такрорлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Шундан сўнг таълим муассасалари қошида, жамоат ташкилотлари ва бошқа турдош муассасаларда болаларни мактабга тайёрлаш марказларини ташкил этиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжатда бола шахсини таълимнинг мактаб босқичига пухта тайёрлаш мақсадини кўзловчи турли ноанъанавий мактабгача таълим массасаларини ташкил қилишда нималарга амал қилиниши кўрсатилган. Шу йўналишда амалий ҳаракатлар бошлаб юборилгач, ХТВ ва мактабгача таълим раҳбар ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув-методика Маркази мутахассислари томонидан қисқа муддатли гуруҳлар, шанбалик, якшанбалик, мактаб қошидаги тайёрлов ва бошқа ноанъанавий гуруҳлар учун "Болаларни мактабга тайёрлаш дастури" ишлаб чиқилди. Вақт ўтиши билан мактабгача таълим муассасаларининг бундай янги турлари айрим қулайликлари билан самара берганлигини таъкидлаш керак. Хусусан, улардаги муҳитнинг оилавий шароитга яқинлиги, болалар сонининг камлиги болалар ва ота-оналар учун қўл келмоқда. Айтиш керакки, бу турдаги муассасаларда шу кунгача маълум даражада иш тажрибалари тўпланди. Албатта, улар ҳаммада ҳар хил. Бунинг боиси, мактабгача таълимнинг ноанъанавий турлари бўйича Низом ишлаб чиқилгани йўқ. Демакки, улар ҳали юридик мақомга эга бўлган муассаса эмас. Шунинг учун ҳозирда аҳоли ўртасида мактабгача таълимнинг бундай турларига эҳтиёж ортаётганлиги инобатга олиниб, Низом ва бошқа керакли ҳужжатлар тайёрланиб, тегишли ташкилотларга тасдиқдан ўтиш учун тақдим этилган.

Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак. Ушбу ўқув йилида жами 604199 нафар бола мактаб остонасига қадам қўйди. Уларнинг 27 фоизи, яъни 164620 нафари анъанавий мактабгача таълим муассасаларида тарбияланган. 61 фоиздан зиёдроқ (40000 га яқин) ўғил-қиз эса ноанъанавий МТМларда мактаб таълимига тайёргарлик кўрди.

ШАНБАЛИК ГУРУҲДА МУҲИТ ҚАНДАЙ?

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 304-мактабгача таълим муассасасида шанбалик гуруҳлар билан ишлашда уч йиллик тажриба тўпланган. Биринчи йили 12 нафар, ўтган йили 24 нафар (12 нафар ўзбек, 12 нафар рус) бола мактабга чиқарилди. Бу йил эса 14 нафар бола боғча қошида очилган шанбалик гуруҳида тарбияланмоқда. Ҳафтанинг чоршанба, шанба кунлари соат 9—12 гача болалар олти йўналишда мактаб таълимига тайёргарлик кўришади. Мазкур МТМда болалар сони етарли даражада, яъни 12 та гуруҳ фаолият кўрсатаяпти. Шундай бўлишига қарамасдан, боғчада шанбалик гуруҳ ташкил этилган. Сабаби, шу ҳудуддаги болалар ҳолати ўрганилганда, объектив ва субъектив сабабларга кўра, боғчага бормаётганлар аниқланиб, улар мазкур ноанъанавий гуруҳга жалб этилди. Шароит ҳисобга олиниб, ҳозирда 6 нафар бўлғуси ўқувчилар тарбияланмоқда. Энди қисқа вақт (уч ярим соат) мобайнида машғулотлар тақсимоти қандай бўлади, деган савол туғилиши, табиий. Бу пайтда 6 йўналишдаги (саводхонлик, мантиқий фикрлашларни ўстириш, тасвирий санъат, мусиқа ва жисмоний тарбия, компьютер ҳамда математика саводхонлиги) машғулотлар ҳам ўтилади. Яъни ҳар бир машғулотга 15 минут вақт ажратилади. Танаффус пайтида эса чарчоқёзди ўйинлар 5 минут давомида олиб борилади. Биргина мантиқий фикрлашларни ўстирувчи машғулотнинг ўтилиш жараёнига эътибор қаратайлик. Тарбиячи Шаҳноза Охунбобоева машғулотни "сехрли копток" орқали танишувдан бошлади ва сўзларни умумлаштиришга шу орқали ўтди. Унда болалар бир турга мансуб сўзларнинг умумий номини айтди. Шундан сўнг расмли топшириқ бажарилди. Болалар бунда ҳикояга тегишли нарса — буюмлар расмини чизишди. Бироқ бу жараён кўпроқ вақт талаб қилди. Шундан сўнг геометрик шаклларни бир-биридан ажратиб, улар ҳақида тушунча берувчи вазифа бошланди. Болаларнинг диққатини тўплаш учун шеърий ва ҳаракатли тарзда олиб борилган 5 минутлик чарчоқёзди машқлари нутқ ўстириш машқини ҳам ўтади. Бироз "дам олингач", машғулотнинг қўл моторикасини ривожлантирувчи қисми бошланди. Ва болалар турли хил расмларга қараб, уларнинг шаклини чўплардан ясай бошлашди. Бу пайтда ранг танлашга ҳам эътибор қилинди. Умуман, ҳар бир машғулот ўз йўналишига қараб, шундай ранг-баранг тарзда ўтказилади.

Мазкур муассаса мудираси Гулчеҳра Йўлдошева шанбалик гуруҳ фаолияти ҳақида гапириб шундай деди.

— Саводхонлик йўналиши бўйича машғулот олиб боришда ёнимиздаги 98-мактаб билан ҳамкорлик қилган ҳолда, бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Тошматовани шартнома асосида ишга жалб қилганмиз. Бошқа машғулотларни эса ўзимизнинг тарбиячилар ўтказади. Биз ўтган икки йилда шанбалик гуруҳларда тарбияланган болалар тақдири билан қизиқдик. Ҳарҳолда улар 4-5 йил боғча боласига айланиб қолгандек бўлмаса-да, бошланғич тушунчаларга эга бўлган "ақлли" ўқувчилар эканлигини ўқитувчилар таъкидлашди. Қуруқ гап бўлмаслиги учун мониторинг натижалари билан ҳам танишдик. Умумий аҳволни таҳлил қила туриб, самара ёмон эмас, дейиш мумкин.

Шу муассаса услубчиси Раъно Миртолиповадан шанбалик гуруҳларининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўраганимизда, қуйидагича маълумотга эга бўлдик.

— Асосан шанбалик гуруҳларида таълим-тарбия бошқалар ўйлагандек, кучли, кўп маълумотларни бирданига сингдирадиган тарзда эмас, осон ва енгил, ўйин машғулотларига асосланган ҳолда берилади. Фақатгина битта фарқи, шанбалик гуруҳ боласига уйга вазифа берилади. Бунда ота-оналар билан бевосита ҳамкорлик қилишга тўғри келади. Чунки ота-оналар уйда бола билан шуғулланмаса, боғчада берилган тушунчалар мустаҳкамланмаса, кўп нарса уларнинг ёдидан кўтарилиб кетади. Сабаби, шанбалик гуруҳларда вақтнинг тиғизлиги ҳисобга олиниб, бир хил мавзулар иложи борича умумлаштириб ўтилади ва ҳадеб унга қайтилавермайди.

Бу шанбалик гуруҳларда иш қандай олиб борилаётганлиги ҳақида лавҳа эди. Энди мактабгача таълим муассасаларининг ноанъанавий бир тури бўлган қисқа муддатли гуруҳлар фаолиятига ҳам назар ташласак.

БОЛАЛАР МАШҒУЛОТГА ЧАНҚОҚ

Акмал Икромов туманидаги 217-МТМда қисқа муддатли гуруҳ биринчи йили бепул ташкил этилди. Саккиз нафар бола мактаб таълимига уч ой мобайнида (март, апрель, май) тайёрланди. Ушбу боғчада 360 нафар бола тарбияланса-да, атрофдаги асосан кам таъминланган оилаларнинг болалари қисқа муддатли гуруҳга жалб қилинди. Соат кундузги 16 дан 19^{30} гача ҳафтанинг уч кунида келадиган болаларга тажрибали тарбиячи Ҳуррият Ҳошимова олти йўналиш бўйича ҳам машғулотлар ўтказди. Бир тарбиячининг ҳамма йўналишда машғулотлар олиб бориши қандай бўлар экан, дея тарбиячига юзландик.

— Шу пайтгача болаларни "ҳар мақомда" тарбиялашга ўрганган эканманми, қийинчилигини сезганим йўқ. Ундан кейин қисқа муддатли гуруҳга қатнайдиган болалар машғулотларга жуда чанқоқ бўлади. Ва ҳар бир тушунтирган нарсангизни тезда илғаб, ўзининг хатти-ҳаракатларига сингдириб олади. Фақатгина ота-оналар ҳам бола билан уйда шуғулланишлари керак.

Бу ҳақда билганимиздан сўнг ишни ташкил қилиш масалалари бўйича муассаса услубчиси Маҳфуза Ёқубовадан маълумот олдик.

— Биз бошида қисқа муддатли гуруҳ тузсагу, қандай режа асосида ишлаймиз, деб ўйландик. Кейин бундай гуруҳлар учун тузилган дастурни топиб, шунга кўра машғулотларимизни ўта бошладик. Асосий катта, 10 та машғулотлар жамланмасини барча йўналишларда мужассамлаштирдик. Умуман, қисқа муддатли гуруҳда тарбияланган бола санашни, предметларнинг каттакичиклигини солиштиришни, уларнинг саноғини, геометрик фигураларини билиши керак. Шунингдек, улар "ортиқ", "кам", "юқорида", "пастда", "ўнгда", "чапда", "олдин", "кейин", "узоқроқ", "яқинроқ", "тезроқ", "секинроқ"... каби ибораларни ишлата билиши лозим. Қисқа муддатли гуруҳдан мактабга борган бола 20 кун ичида оғзаки ҳисоблашни ҳам билиши керак.

Бу борадаги ишларимизни тўплаб, шаҳар мактабгача таълим муассасаларига ҳам тарқатдик.

Биз МТМнинг ноанъанавий турлари, хусусан, шанбалик ва қисқа муддатли гуруҳлар аслида қандай ишлаши керак, деган савол билан мутахассисларга мурожаат қилганимизда, турли хил жавоблар олдик. Демак, ҳозирда деярли барча ҳудудларда тажрибалар тўпланаяпти. Тез фурсат ичида уларнинг умумлашмасидан ягона амал қиладиган ҳужжат яратилади. Шундай экан, газетамизнинг кейинги сонларида ноанъанавий МТМлари фаолиятини ёритиб борамиз.

Мавлуда РУСТАМОВА,
ХТВ мактабгача таълим бошқармаси бош мутахассиси,
Насиба ЭРҲОНОВА,
"Маърифат" мухбири

БМТнинг ЁШЛАР МОДЕЛИ

Бугунги кунда мамлакатимизда ўттиздан зиёд мактаб, гимназия, лицей ва лицей-интернатлар ЮНЕСКО бирлашган мактаблари лойиҳаси таркибига киради. Яқинда пойтахтимизда ушбу лойиҳага аъзо бўлган 8 та илм масканидан бири — Тошкент давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Комиссияси ташаббуси билан БМТ ёшлар модели ташкил этилди.

Рамзий маънода бўлиб ўтган мазкур тадбир БМТнинг Хавфсизлик кенгашига бағишланган бўлиб, унда Тошкент шаҳридаги ЮНЕСКОнинг бирлашган мактаблар лойиҳаси тармоғига аъзо ўрта мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари иштирок этишди. Шу куни рамзий маънода ўқувчи-ёшлар орасидан Хавфсизлик Кенгаши раиси, котибияти ва БМТга аъзо қатор давлатлар вакиллари сайланди. Анжуман қатнашчилари олдида сўз олган меҳмонлар ўзбекистонлик ўқувчи-ёшлар иштирокида БМТнинг ёшлар модели ташкил этилганлиги билан табриклашди. Сўнг БМТ Хавфсизлик кенгаши анжумани бошланиб, унда иштирокчи давлатлар, яъни ЮНЕСКОга аъзо мактаблар ўқувчилари маъруза қилишди. Ўқувчи-ёшларнинг турли хил чиқишлари якунида анжуман резолюцияси қабул қилинди.

UNESCO maktablari hayotidan

— Бизнинг таълим муассасамиз ЮНЕСКОнинг Бирлашган Мактаблар Лойиҳасига аъзо бўлганлигига 2004 йили март ойида 5 йил бўлади, — дейди ТДТУ қошидаги академик лицейнинг оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик ташкилотлари билан ишлаш бўйича масъул ходими Арман Арапова. — Ушбу тарихий санага бағишлаб лицейимизда қатор тадбирлар ишлаб чиқилди. Маълумки, мазкур лойиҳанинг инсон ҳуқуқлари, экология, жаҳон муаммолари ва БМТнинг уларни бартараф этишдаги ўрни, дунё халқлари маданияти йўналишлари мавжуд. Шу кунларда илм масканимизда ЮНЕСКО лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган махсус дастур — "Дунё давлатлари маданияти кунлари" ўтказилмоқда. Ҳозирги кунга

ган бўлиб, унда элчихоналар вакиллари билан учрашувлар, мамлакатимизда мавжуд бўлган миллий маданият марказларига ташриф буюриш, турли хил мавзуларда давра суҳбатларини ўтказиш, "Давлат-

ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

қадар лицейимизда Озарбойжон, Қирғизистон, Молдова каби давлатларнинг маданияти кунлари бўлиб ўтди. Бундай тадбирлар асосан бир ҳафтага мўлжалланган бўлиб, унда Тошкент шаҳрининг тарихи, маданияти ва замон" мавзусида интеллектуал ўйин, картиналар кўргазмаси, фотоэкспозициялар, ҳужжатли, бадиий ва мультипликацион фильмлар намойиши, чет эллик тенгдошларга хат ёзиш бўйича танлов, саҳна кўринишлари ва концерт дастурлари, халқ ўйинлари ва бошқа тадбирлар ўрин олган. Асосий мақсад — ўқувчи-ёшларнинг дунё давлатлари маданияти, тарихини ўрганишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

Нурлан УСМОНОВ

Суратларда: лицей ҳаётидан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар

АМАЛИЙ ТАЖРИБА МАКТАБИ

у ташхис марказлари мутахассисларига қўл келаяптими?

Мамлакатимизда 200 дан зиёд туман ва шаҳар ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис Марказларида айни пайтда юзлаб касбга йўналтирувчи, психолог, дефектолог, шифокор каби мутахассислар фаолият кўрсатмоқда. Улар республикамизнинг барча ўқитувчи-мураббийлари қатори ўз билим, малака ва кўникмаларини асосан Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида ташкил қилинадиган 2 ҳафталик ўқув машғулотлари давомида ошириш имконига эгалар. Бироқ таъкидлаш керакки, ушбу ўқув машғулотлари давомида мутахассисларнинг ўз тажрибаларини такомиллаштириши учун етарли шароитлар мавжуд эмас эди. Шу боис, Халқ таълими вазирлигининг жорий йил 23 майда эълон қилинган махсус буйруғига асосан, 1 июндан бошлаб Республика ташхис Марказида мутахассислар тажрибаларини такомиллаштириш, улар заҳирасини шакллантириш мақсадида мунтазам равишда 10 кунлик муддатда фаолият кўрсатувчи "Амалий тажриба мактаби" иш бошлади.

МАҚСАД ВА ВАЗИФА

"Амалий тажриба мактаби" ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими ходимлари малакасини оширишнинг илмий-услубий ва амалий интеграцион шакли бўлиб, у йил давомида фаолият кўрсатиши белгилаб қўйилган. Мактабни ташкил этишда бир қатор мақсадлар кўзда тутилган. Чунончи, туман, шаҳар ташхис марказлари ходимларининг касб малакасини узлуксиз такомиллаштириб бориш, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис хизматининг замонавий ахборот, психологик ва педагогик технологияларини амалга татбиқ этишнинг самарадорлигини ошириш, тизимнинг юқори ва қуйи бўғинлари ўртасидаги изчил, мақсадли алоқа ҳамда назария билан амалиётнинг боғлиқлигини таъминлаш ва ҳоказолар.

"Мактаб"нинг вазифалари сирасига ташхис марказлари ходимларининг бевосита амалий фаолиятида асқотиши лозим бўлган бир қатор масалалар ҳам киритилган. Жумладан, ходимларнинг касбий малакалари бўйича илмий-услубий ва амалий тажрибаларини мустаҳкамлаш, ходимларга ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхиснинг оптимал, интерфаол восита ва усулларини ўргатиш, ташхис йўналишидаги замонавий ахборот, психологик ва педагогик технологияларни, илғор тажрибаларни таълим муассасаларига тезкор етказиш, шунингдек; илмий-услубий ишланмалар, психологик-педагогик ташхис методикаларини тайёрлаш, тажриба-синовдан ўтказиш, жойларда мактаб психологлари, касб-ҳунарга йўналтирувчи мутахассисларнинг доимий ҳаракатдаги ўқувларини ташкил этиб, уни самарали ўтказиш учун маърузачилар тайёрлаш кабилар шулар сирасига киради.

ЖАРАЁН

Шу ўринда мутахассисларнинг тажриба орттириш жараёни қаерда ва қандай тартибда амалга оширилмоқда, деган савол туғилади. Республика ташхис Маркази мутахассиси Тоҳир Ибраҳимовнинг таъкидлашича, тажриба орттирувчилар машғулотларда Республика ташхис Маркази томонидан тасдиқланган режа асосида иштирок этадилар. Тажриба орттириш жараёни ўқув тренинглар, давра суҳбатлари, семинарлар шаклида интерфаол усуллар орқали амалга оширилмоқда. Машғулотлар асосан Республика ташхис Маркази, шунингдек, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва профилли меҳнат таълими Республика ихтисослаштирилган лицейи, Тошкент шаҳар ва туман ташхис Марказлари ҳамда тегишли таянч мактабларда ҳам ташкил қилинмоқда.

— Таъкидлаш лозимки, — дея ўз сўзини давом эттирди Т.Иброҳимов, — тажриба орттирувчилар "Мактаб"да таҳсил олиш давомида махсус ишлаб чиқилган индивидуал амалий-тажриба дастури асосида касбий малакаларини такомиллаштириш баробарида Республика ташхис Марказининг барча тадбирларида фаол иштирок этмоқдалар. Шунингдек, тажриба орттирувчи ходимлар Марказ таркибий тузилмасига кирувчи барча бўлимлардаги меъёрий ҳужжатлар, ишланмалар, иш тартиби билан танишмоқдалар. Шу билан бирга, уларга мавжуд мониторинг маълумотлари, психологик-педагогик методикалар банки, замонавий ахборот технологиялари, илмий-услубий адабиётлардан фойдаланиш учун имкониятлар яратиб берилган.

Тажриба орттириш жараёни якунида ҳар бир қатнашувчига махсус сертификат тақдим этилмоқда.

РАҲБАРЛАР ДИҚҚАТИГА: ТАЖРИБА ОРТТИРИШГА БЕПАРВО БЎЛМАНГ!

— Марказ томонидан ишлаб чиқилган режага асосан, 2003 йилнинг 7 ойи давомида жами 45 нафар, шу бугунги кунга қадар эса 33 нафар туман ва шаҳар ташхис Марказлари ходимларининг "Амалий тажриба мактаби"да тажриба орттириши белгиланган эди, — дейди директорнинг биринчи ўринбосари Шарифжон Эргашев. — Аммо, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва айрим вилоятлар халқ таълими бошқармалари масъул ходимларининг бу масаланинг мазмун-моҳияти ва долзарблиги, ундан кўзланган мақсадларни тўлақонли илғай олмаётганлиги, баъзан бунга лоқайдлиги ва беэътиборлиги сабабли шу кунга қадар бор-йўғи 21 нафар ходим тажриба орттирди, холос. Айниқса, Сирдарё, Жиззах вилоятлари халқ таълими бошқармалари раҳбар мутасаддиларининг бепарволиги оқибатида ушбу ҳудудлардаги ташхис марказларида фаолият кўрсатаётган атиги бир нафар мутахассис "Амалий тажриба мактаби"даги машғулотларда иштирок этди.

Шу ўринда яна бир гап. Республикамизнинг чекка туман ва шаҳарларидан ходимлар тажриба орттириш мақсадида катта ишонч ва умид билан Тошкент шаҳрига ташриф буюраётган бир пайтда, барча шароит ва имкониятлар мавжуд бўлган пойтахт туманларида фаолият кўрсатаётган ташхис марказларининг бирор мутахассиси тажриба орттириш учун келмаганлигини (балки, буни истамаётганлигини) қандай изоҳлаш мумкин?!

"Амалий тажриба мактаби"да 5 ноябрдан навбатдаги машғулотлар бошланиб, унда Наманган, Сирдарё ва Навоий вилоятларидан 3 нафар психолог, касбга йўналтирувчи ва шифокор 18 ноябрга қадар тажриба орттириши белгиланган эди. Бироқ, Наманган ва Сирдарёдан мутахассислар етиб келмади. Машғулотларда фақат навоийлик психолог қатнашмоқда.

МАШҒУЛОТЛАРДАН ҚОНИҚИШ ҲОСИЛ ҚИЛДИНГИЗМИ?

Ўқув машғулотлари Сизга нима берди? Уни янада такомиллаштириш мақсадида нималарга эътибор қаратиш зарур? Ушбу саволларга жавоб олиш мақсадида ҳар бир тажриба орттирувчининг кундалик ҳисобот дафтари ва унинг сўнгги саҳифаларида қайд этилган фикрлар билан танишиб чиқдик. Чунончи, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида фаолият кўрсатувчи касбга йўналтирувчи мутахассис Саодат Шамсиева шундай ёзади:

"Ўқув машғулотлари давомида Республика ташхис Маркази фаолияти ва иш жараёни билан танишиш имконига эга бўлдим. Чиноз тумани ташхис маркази фаолияти билан танишув асосида ўзим фаолият кўрсатаётган марказдаги айрим йўналишларга бошқачароқ ёндашув зарурлиги, касбга йўналтириш соҳасига алоҳида эътибор қаратиш кераклигини белгилаб олдим. Шунингдек, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва профилли меҳнат таълими Республика ихтисослаштирилган лицейи фаолияти, муассаса иш мазмуни билан танишиб, бу ерда таҳсил олаётган ўқувчилар билан мулоқотда бўлдим.

Ўқув машғулотлари амалиёт билан боғланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Машғулотлар умумтаълим мактабларидаги ўқув жараёни билан уйғун ҳолда ташкил қилинса, улар самаралироқ натижа беради, деб ҳисоблайман".

"Мактаб"га тажриба орттириш учун Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидан ташриф буюрган психолог Насиба Рўзибоеванинг ҳисобот дафтарида қуйидагиларни ўқиш мумкин:

"Амалий тажриба мактаби"да кўпгина билмаганларимни ўргандим. Машғулотлар давомида ташхис Марказлари фаолиятига дахлдор кўплаб методик қўлланмалар, меъёрий ҳужжатлар ва ишланмалар билан танишдим ва уларни тайёрлаш жараёнида бевосита иштирок этдим. Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги ташхис маркази фаолияти билан танишув, менга ўз билим ва малакамни янада бойитишга ёрдам беради ва ушбу марказ раҳбарлари билан мулоқот чоғида қилинган ҳамда қилинаётган янгиликлар, ижобий ишлардан намуналар олдим".

Фарғона вилояти Бешариқ туманида истиқомат қилувчи касбга йўналтирувчи мутахассис Абдусаттор Юсупов ўз фикрларини шундай баён этади:

10 кун давомида 10 дан ортиқ долзарб мавзуларда маърузалар тингладим. Марказ мутасадди ходимларидан ишни ташкил этишда зарур бўлган кераклі маслаҳат ва йўриқномаларни олдим. Шунингдек, Марказ иш тартиби, меъёрий ҳужжатлари билан танишдим. Республика ташхис Маркази раҳбариятига бизнинг мониторинг маълумотлари, психологик-педагогик методикалар банки, замонавий ахборот технологиялари, илмий-услубий адабиётлардан фойдаланишга барча имкониятларни яратиб берганлиги учун миннатдорчилик билдираман. Машғулотлар давомида олган билим, малака ва кўникмаларини жойларга бориб, амалиётда татбиқ этаман".

Муҳаммаджон ИСРОИЛОВ,
"Ma`rifat" мухбири

«Konstitutsiya» atamasi o'zining uzoq tarixiga ega. Qadimgi davrda "konstitutsiya" so'zi siyosiy tuzumni bildirgan. Bu so'z lotincha bo'lib, uning tom ma'nosi «tuzish», «tuzuk», «nizom», «tuzilish», «yaratish» degan ma'nolarni anglatadi.

Huquqiy madaniyat darajasi qabul qilingan qonunlar soni bilan emas, balki ularning bajarilishi bilan belgilanadi.

Мустақилликка эришган кундан буён ўтган қисқа давр мобайнида ҳукуматимизнинг халқимиз маънавиятини ошириш йўлида олиб бораётган ишлари асрга татигуликдир.

Асосий Қонунимизнинг қабул қилиниши ўзбек давлатчилигини ривожантириш ва ҳуқуқий тизимининг яратилишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ўқувчи-ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлида давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги Ф-1322 сонли фармойиши асосида умумий ўрта таълим мактабларида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш» бўйича дарслар жорий қилинди. Дарсларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида 1—11-синфлар учун зарурий ўқув қўлланмалар ва ўқув адабиётлари яратилди. Бу ишларнинг бари ҳуқуқий давлат барпо этишда миллий ҳуқуқий анъаналар, демократик асосларни ўқувчилар онгига сингдиришга қаратилгандир.

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш кўп жиҳатдан ҳуқуқий таълимнинг муваффақиятига боғлиқ. Ҳуқуқий билим ва маданият миллатлар етуклиги ҳамда инсон баркамоллигининг энг муҳим жиҳатларидан бири саналади. Халқнинг куч-қудрати бошқа бир қанча омиллардан ташқари унинг савияси, ҳуқуқий билимдонлиги даражасига қараб ҳам баҳоланади. Ҳуқуқий маданият инсон маданиятининг ажралмас бўлаги экан, бу тарбия ва таълимни амалга оширишда умумий ўрта таълим муассасаларида бериладиган билимлар ва ўтказиладиган тадбирлар асосий ўрин эгаллайди. Шу мақсадда таълим муассасаларида Асосий Қонунимиз қабул қилинган кунни нишонлашни қуйидагича ўтказишни тавсия қиламиз. Байрам олдидан умумий ўрта таълим мактабларини бошланғич «Биз мустақил юрт фарзандларимиз!», «Биз тинчлик истаймиз!», «Соғ танда соғлом ақл!», «Кичкина деманг бизни..!» каби мавзуларда расмлар танлови, «Асосий Қонунимиз ҳақида нималарни биламиз?», «Асосий ҳуқуқларимиз» каби мавзуларда катта байрам тадбирлари ўтказиш мумкин. Юқори синф ўқувчилари ўртасида «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Фотонигоҳ ортида Ватан акси!» каби фото кўргазмалар, «Қомусимиз — номусимиз!», «Асосий Қонунимиз мустақиллигимиз гарови!», «Қомусимиз ҳуқуқларимиз кафолати!», «Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари!» каби мавзуларда дарслар, очиқ тарбиявий соатлар ташкил қилиш мумкин. Конституция кунига бағишланган тадбирларни ташкил қилишда умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синфларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари билан давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар уюштириш мумкин. Конституция кунига бағишлаб алоҳида дарслар ҳам ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Конституция кунига бағишланган тантанали тадбирларни ҳар бир мактабга ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уюштириши тавсия этилади.

Мактабда бўлиб ўтадиган катта байрам дастурини мактаб раҳбари очиб беради. Мактаб раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ва унинг халқимиз ҳаётидаги ўрни, унга киритилган ўзгартиришлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг давлатимиз томонидан таъминланиши, давлатимизнинг бугунги кунда олиб бораётган одилона сиёсати ҳақида қисқача тўхталади. Ўзбекистон Республикаси мадҳияси янграйди. Тадбирнинг ташкил қилинишида қуйидаги мавзуларга тўхталишни тавсия қиламиз.

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши;

— Конституциянинг мазмун-моҳияти;

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши;

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақиллигимиз гарови;

— Қонун ижодкорлиги;

— Давлатимиз олиб бораётган одилона сиёсат.

Тадбир сўнгида мактабда фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик, бадиий гимнастика ва бошқа тўгарак аъзоларининг чиқишларини ташкил қилиш мумкин.

КОНСТИТУЦИЯ — ҲУҚУҚЛАРИМИЗ КАФОЛАТИ

Давлат мустақиллиги жамиятимизнинг ҳуқуқий уйғониш даврини бошлаб берди. Бунинг натижасида мамлакатимизда– "Давлатнинг мавжудлиги инсон ва жамият бахти, фаровонлиги учундир", деган тамойилга амал қилиб келинмоқда.

Мустақил ўзбек давлатчилигининг ҳуқуқий негизлари нодир ҳуқуқий мерос ва қадриятларимизга жуда бой, узоқ тарихга бориб тақалади. Ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда ҳуқуқий меросимиздан самарали фойдаланиш орқали давлат, жамият ва инсон манфаатларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш давлатчилигимизнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақиллигимизнинг буюк неъмати сифатида 1992 йил 8 декабрь куни миллий манфаат ва интилишларимиздан келиб чиққан ҳолда, Шарқ ва ғарбнинг турли давлатларида тўпланган илғор конституциявий тажрибалари асосида қабул қилинди. Президент И. Каримов таъбири билан айтганда, биз барпо қилаётган давлат, энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасидаги бошқа халқлар эришган тажрибаларга, ижтимоий қадриятларга асосланиши лозим.

Биз шунчаки демократик жамият эмас, балки демократик одил жамият қуриш йўлида борар эканмиз, адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи, адолат ва ҳақиқат қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлиб боради. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари ана шу асосга таянади.

«Конституция» атамаси ўзининг узоқ тарихига эга. Қадимги даврда "конституция" сўзи сиёсий тузумни билдирган. Бу сўз лотинча бўлиб, унинг том маъноси «тузиш», «тузук», «низом», «тузилиш», «яратиш» деган маъноларни англатади.

Жаҳон цивилизацияси ўзининг тарихий ривожланиши давомида бугунги кунда амал қилинаётган икки гуруҳдаги конституцияларни вужудга келтирди. Биринчи гуруҳни бугунги кундагидан кескин фарқ қиладиган шароитларда қабул қилинган конституциялар ташкил қилади. Буларга 1787 йил қабул қилинган АҚШ Конституцияси, 1831 йилги Бельгия ва 1874 йилги Швейцария конституцияларини мисол қилиб келтириш мумкин. Иккинчи гуруҳга эса йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган «янги авлод» конституциялари киради. Иккинчи авлод конституциялари дастлабки конституциялардан ҳуқуқ ва эркинликлар институти, конституцияни муҳофаза қилиш ва ижтимоий муаммоларга мурожаат этиш механизмининг кенгайиши оқибатида конституциявий жиҳатдан тартибга солиш ҳажмининг кенгайиши билан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси замонавий конституциявий қурилишдаги умум эътироф этган ёндашувлар, халқнинг тарихий, ҳуқуқий маънавий тажрибаси ва анъаналари билан узвий уйғунлаштирилган. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни сифатида бевосита амал қилинадиган ҳуқуқий қоидаларни мазмунан умумлаштириб беради ва зарур бўлган декларатив қоидаларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам Конституция бошқа қонунлардан устун бўлиб, қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари Асосий Қонунга асосланиб, қабул қилинади.

Конституциялар ўзининг ташқи ва ички тузилишига эга бўлади. Унинг ташқи тузилиши жамиятнинг ҳуқуқ тизими ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тизимидаги ўрни ҳамда аҳамиятини тавсифлаб беради. Ички тузилиши эса конституциянинг таркибий қисмлари бўлмиш бўлимлар, боблар, моддалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида моддаларни ўз ичига олган боблар, конституциявий институтларнинг муаммоли блокларини бирлаштирган бўлимлар ҳуқуқий тартибга солишнинг йирик йўналишларидан таркиб топган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил конституциявий ривожланишнинг муҳим босқичидир. Юқорида айтилган «конституция» сўзининг мазмун моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, аждодларимизнинг улкан маънавий мероси ҳамда кўп минг йиллик тарихи ва маданияти қайта тикланиб сайқал топмоқда. Қисқача қилиб айтганда, жаҳон цивилизациясига алоқадор бўлган барча ҳуқуқий анъаналаримиз тикланяпти. Инсоният тарихий тараққиёти шундан далолат берадики, қаерда демократия илдиз отса, ўша жойда инсон ҳуқуқлари кафолатланади ва фуқароларнинг тенглиги масаласи алоҳида қайд этилади. Мустақиллигимиз шарофати туфайли тарихимизни ҳаққоний ўргана бошладик. Халқимизнинг асрий қадриятлари элимизга қайтмоқда, шу жумладан, маънавий меросимиз бўлган «Авесто»га назар ташласак, унда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга оид бир қанча маълумотларни учратамиз. Масалан, «Авесто»да ёзилишича ерни ифлослантириш ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарган. Ёки бўлмаса эр-хотиннинг бирбирига ҳиёнат қилганлиги, никоҳсиз эр-хотинлик муносабатида бўлганлик учун тан жазоси белгиланган. «Авесто»да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши тақиқланган, авлодларнинг бенуқсон туғилишига катта эътибор берилган. Мазкур асарда ижтимоий ҳимояга алоҳида аҳамият берилиб, кўп болали оилаларга нафақа ҳам белгиланган. Худди шундай маънавий меросимиздан бири бўлган Қуръони Карим ва ҳадисларда ҳам инсон ҳуқуқларига ва уларнинг ижтимоий ҳимояланишига катта аҳамият берилган. Масалан, бировнинг ҳақига хиёнат қилиш, зўравонлик, савдо-сотиқда хийлакорлик каби иллатлар қораланган бўлса, етимпарварлик, қамбағалпарварлик каби хислатлар улуғланади. Қуръони Каримнинг «Ҳужурот» 49-сураси, 13-оятида шундай дейилади: «Эй одамлар, дарҳақиқат, биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бирбирингиз билан танишиб, дўстлик ва биродарликда яшашингиз учун, сизларни турли-туман қабила ва элатлар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ назаридаги сизларнинг энг мукаррамроғингиз, энг тақводорроғингиздир, албатта, Аллоҳ билгувчи ва хабардор зотдир». Бундан кўриниб турибдики, умумжаҳон декларациясининг биринчи ва иккинчи моддаларидаги мазмун, яъни инсонларнинг озод ва тенг ҳуқуқли эканлиги бу ерда том маънода ўз аксини топади. Ҳадислардан мисол келтирадиган бўлсак, «Қулларингиз сизларнинг иниоғайниларингиздирлар (биродарларингиздир), ўзингиз кийган кийимлардан уларга ҳам кийдиринглар, ўз еган таомларингиздан уларга ҳам едиринглар.» ҳазрат Муҳаммад (С.А.В.)нинг айтган бу сўзлари инсонларнинг тенг ҳуқуқли эканликларини эътироф этади. Бу эса, Рим империяси ва бошқа баъзи давлатларда қулга инсон ва ҳайвон ўртасидаги бир маҳлуқ деб қараш билан узвий уйғунлаштирилган. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни сифатида бевосита амал қилинадиган ҳуқуқий қоидаларни мазмунан умумлаштириб беради ва зарур бўлган декларатив қоидаларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам Конституция бошқа қонунлардан устун бўлиб, қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари Асосий Қонунга асосланиб, қабул қилинади.

Tavsiya



Конституциялар ўзининг ташқи ва ички тузилишига эга бўлади. Унинг ташқи тузилиши жамиятнинг ҳуқуқ тизими ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш тизимидаги ўрни ҳамда аҳамиятини тавсифлаб беради. Ички тузилиши эса конституциянинг таркибий қисмлари бўлмиш бўлимлар, боблар, моддалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни кўрсатади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида моддаларни ўз ичига олган боблар, конституциявий институтларнинг муаммоли блокларини бирлаштирган бўлимлар ҳуқуқий тартибга солишнинг йирик йўналишларидан таркиб топган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил конституциявий ривожланишнинг муҳим босқичидир. Юқорида айтилган «конституция» сўзининг мазмун моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, аждодларимизнинг улкан маънавий мероси ҳамда кўп минг йиллик тарихи ва маданияти қайта тикланиб сайқал топмоқда. Қисқача қилиб айтганда, жаҳон цивилизациясига алоқадор бўлган барча ҳуқуқий анъаналаримиз тикланяпти. Инсоният тарихий тараққиёти шундан далолат берадики, қаерда демократия илдиз отса, ўша жойда инсон ҳуқуқлари кафолатланади ва фуқароларнинг тенглиги масаласи алоҳида қайд этилади. Мустақиллигимиз шарофати туфайли тарихимизни ҳаққоний ўргана бошладик. Халқимизнинг асрий қадриятлари элимизга қайтмоқда, шу жумладан, маънавий меросимиз бўлган «Авесто»га назар ташласак, унда инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга оид бир қанча маълумотларни учратамиз. Масалан, «Авесто»да ёзилишича ерни ифлослантириш ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарган. Ёки бўлмаса эр-хотиннинг бирбирига ҳиёнат қилганлиги, никоҳсиз эр-хотинлик муносабатида бўлганлик учун тан жазоси белгиланган. «Авесто»да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши тақиқланган, авлодларнинг бенуқсон туғилишига катта эътибор берилган. Мазкур асарда ижтимоий ҳимояга алоҳида аҳамият берилиб, кўп болали оилаларга нафақа ҳам белгиланган. Худди шундай маънавий меросимиздан бири бўлган Қуръони Карим ва ҳадисларда ҳам инсон ҳуқуқларига ва уларнинг ижтимоий ҳимояланишига катта аҳамият берилган. Масалан, бировнинг ҳақига хиёнат қилиш, зўравонлик, савдо-сотиқда хийлакорлик каби иллатлар қораланган бўлса, етимпарварлик, қамбағалпарварлик каби хислатлар улуғланади. Қуръони Каримнинг «Ҳужурот» 49-сураси, 13-оятида шундай дейилади: «Эй одамлар, дарҳақиқат, биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратдик ҳамда бирбирингиз билан танишиб, дўстлик ва биродарликда яшашингиз учун, сизларни турли-туман қабила ва элатлар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳ назаридаги сизларнинг энг мукаррамроғингиз, энг тақводорроғингиздир, албатта, Аллоҳ билгувчи ва хабардор зотдир». Бундан кўриниб турибдики, умумжаҳон декларациясининг биринчи ва иккинчи моддаларидаги мазмун, яъни инсонларнинг озод ва тенг ҳуқуқли эканлиги бу ерда том маънода ўз аксини топади. Ҳадислардан мисол келтирадиган бўлсак, «Қулларингиз сизларнинг иниоғайниларингиздирлар (биродарларингиздир), ўзингиз кийган кийимлардан уларга ҳам кийдиринглар, ўз еган таомларингиздан уларга ҳам едиринглар.» ҳазрат Муҳаммад (С.А.В.)нинг айтган бу сўзлари инсонларнинг тенг ҳуқуқли эканликларини эътироф этади. Бу эса, Рим империяси ва бошқа баъзи давлатларда қулга инсон ва ҳайвон ўртасидаги бир маҳлуқ деб қараш билан узвий уйғунлаштирилган. Конституция давлатнинг Асосий Қонуни сифатида бевосита амал қилинадиган ҳуқуқий қоидаларни мазмунан умумлаштириб беради ва зарур бўлган декларатив қоидаларни ифодалайди. Шунинг учун ҳам Конституция бошқа қонунлардан устун бўлиб, қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари Асосий Қонунга асосланиб, қабул қилинади.

ЭЗГУЛИК ИБТИДОСИ

Mushohada

Қуш уясида кўрганини қилади, деган нақлни кўп эшитганмиз. Бу иборани ортиқча изоҳлашнинг ҳожати йўқ. Халқимизда бу нақлни бирор яхши ёки ёмон иш қилиб қўйган кишига нисбатан айтиб, буни унинг оиласидаги муҳит билан боғлаб талқин этишади. Албатта, бу ибора аллақачон ҳаёт чиғириғидан ўтган. Лекин шу ўринда танганинг иккинчи томонига ҳам эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Хўш, "қуш" — инсон боласи "уя"сида кўрмаганини қилмайдими? Дабдурустдан берилган бу саволга, айниқса, бугунги кунда бирор жўялироқ жавоб бериш мушкул. Айтиш жоизки, "уя"сида кўрмаганини қилиш ёки қилмаслик олтиетти ёшли бола руҳиятидаги ҳавас аталмиш туйғу билан боғлиқдир. Чунки бу ёшдаги бола руҳияти қизиқувчан ва атрофдагиларга бефарқ ҳолда бўлади. У теварагидаги кўзига гўзал кўринган нарса (ҳолат)га ҳавас нигоҳи билан боқади. Лекин ҳавас туйғуси бола кўнглида турли тарзда кечиши мумкин. Келинг, сўзимизни мисол билан далиллашга уририб кўрайлик. Деярли ҳар бир киши ёшлигида ақалли бирор марта бўлса-да, онасидан тарсаки еганини рад қилолмайди, тўғрими? Бир танишим ёшлигини эслаган чоғида доимо қуйидаги воқеани кўпроқ ёдга оларди. Унинг айтишича, ҳали мактабга бормайдиган пайтлари онаси билан бозорга боради. Мева-чева растасига етганида, у сотувчининг кўзини шамғалат қилиб, битта шафтолини чўнтагига уради. Савдо билан овора бўлган онаси ҳам унинг бу ҳаракатини сезмай қолади. Бироқ бозордан чиққандан сўнг ўғлининг чўнтаги дўппайиб турганини кўрган онаси ундан "бу нима", деб сўрайди. "Шафтоли" дейди ўғил эшитилар-эшитилмас овозда ерга қараганча. Шу аснода онасининг "қаердан олдинг", деган саволига бераётган жавоби тугамасданоқ ўғилнинг юзига тарсаки тушади. Лекин ўғил негадир йиғламайди. Чунки у отаси айтиб берадиган маталларда "ўғирлик ёмон иш" эканини беш-олти ёшли бола онги даражасида ҳис этган эди. Балки у "ўғирлик ёмон иш" эканини билиб туриб, бу ишга қўл ургани учун йиғлай олмагандир. Нима бўлганда ҳам, у уйига келгач, отасига бор воқеани айтиб бериш жараёнида "ҳавасим келган эди", деганини айтганди.

Кўриниб турибдики, онасидан еган тарсакиси танишимга бир умрлик сабоқ бўлиб келаяпти. Чунки ёшлик даврида ҳар хил воқеалар кўп бўлади. Лекин сабоқ бўладиган баъзи воқеалар киши хотирасидан ҳеч қачон чиқиб кетмайди. Тўғрироғи, инсон уларни эсидан чиқара олмайди.

Ёки бир фильмдаги катта ва кичик ёшли ўқувчиларнинг ўзаро суҳбатини ёдга олиш жоиз. Унда мактабни тугатгач, бирор олий ўқув юртига ўқишга кириш орзусида юрган ўсмир кичик ёшли болакайдан "сен нимани орзу қиласан", деб сўраганида, у "қанийди, менда ҳам сеникидек чиройли пальто бўлса...", дейди ҳавас билан. Шунда ўсмир шартта пальтосини ечиб, болага беради-да, "ма, ол, фақат бундан кейин каттароқ нарсаларни орзу қил", дейди. Бу эса мурғак кўнгилнинг беғубор ҳаваси эди.

Айтиш керакки, келтирилган ҳар икки мисол сабр қилса, кейинчалик (ва ҳатто тез фурсатда) эришиш мумкин бўлган орзу-ҳавас турига киради. Бироқ ҳавас қилишнинг яна бир тури мавжуд. Бунга оиласида ҳеч ким ҳеч нарса чекмайдиган (ичмайдиган) ёш болаларнинг сигарет чекаётган (спиртли ичимлик ичаётган) киши ва шу каби бошқа ҳолатларга бўлган ҳаваси (балки қизиқиши) киради.

Биз кун сайин тараққий топаётган ва тобора глобаллашаётган жамиятда яшаяпмиз. Таъкидлаш лозимки, бугунги кун кишиси телевидение орқали етти иқлимда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан бир зумда воқиф бўлиш имкониятига эга. Бу яхши, албатта. Лекин бу каби керакли жараённи бир четга суриб қўйиб, турли хилват жойларда ноқонуний равишда беҳаё фильмлар қўйилиб, ҳаёт мазмунини энди-энди илғай бошлаган ўсмирларни ўзига чорлаётган ва оқибатда оиласидагилар қуршовида қўл қовуштириб турадиган фарзанднинг кўчада "бошқа одам"га айланаётгани ҳақида қайси ота-она эшитмаган дейсиз? Афсуски, чекаётган кишига ҳавас қилиб чекиш ёки хилватда мириқиб "томоша" кўрганини ўртоқларига айтиб, уларнинг "ҳавас"ини келтириб айтилаётган сўзлар замирида аслида келажакни ботқоққа етакловчи худбин мақсад ётганини ёшлик руҳияти англай олмайди. Буни ота-оналар фарзандлари онгига оила тарбиясида чуқур сингдиришлари зарур.

Айтиш жоизки, бировда мавжуд бўлган нарса (буюм, хусусият)ни ўзига олиб қўйиш эмас, ўзгада бўлган нарсанинг ўзида ҳам бўлишини ният қилишгина ҳақиқий ҳавас туйғусидир. Ҳавас эса эзгулик ибтидоси. Лекин инсон улғайгани сари унинг қалбидаги бирор нарсага бўлган иштиёқ ҳам ўсиб бораверади. Оқибатда баъзан дилдаги ҳавас ўрнини ҳасад туйғуси ҳам эгаллаб олиши мумкин. Алалхусус, фарзанднинг "уя"сида кўрмаганини қилиш ёки қилмаслиги оиладаги муҳит билан чамбарчас боғлиқдир. Оилада соғлом муҳит мавжуд экан, фарзанд қалбидаги беғубор ҳавас ҳасадга айлана олмайди.

Шерали НИШОНОВ,
"Ma"rifat" мухбири

Xabar

АНЪАНА ТУСИНИ ОЛМОҚДА

Талабаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб шаклланишида ўқув муассасаларида ташкил этиладиган маънавий-маданий тадбирларнинг ўрни катта. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетида бу борада хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг кўзга кўринган зиёлилари, фан ва маданият ходимлари, таниқли журналистлар билан учрашувларнинг ўтказилиши, улар иштирокида турли мавзуларда суҳбатларнинг ташкил қилиниши анъана тусини олмоқда. Хусусан, бу йил 1-курсга қабул қилинган талабаларнинг, истеъдодли журналист ва публицист Холида Аҳророва билан учрашуви талабаларда катта таассурот қолдирди.

Холида Аҳророва бўлғуси журналистларга ушбу касбнинг сир-асрорлари, машаққатли томонлари ҳақида гапирибгина қолмасдан, ўзининг меҳнат тажрибасида бўлган муҳим воқеаларни, қийинчиликлар ва бу йўлдаги ҳаракатлари ҳақида ҳам ҳикоя қилиб берди. Айниқса, ахборот тўплаш борасида журналист билиши мумкин бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни алоҳида таъкидлади.

Қайд этиш жоизки, бундай учрашувлар шаклан эмас, мазмунан ҳам ранг-барангдир. Масалан, яқинда ўтказилган семинар учрашув "Ўзбеклар ва жаҳон" деб номланди. Унда қатнашган Самарқанд давлат университетининг турколог олими Жўлли Элтазаровнинг хорижий давлатларда ўзбек миллий марказларининг фаолияти ҳақида ҳамда ўзбек тилини ўрганиш борасидаги ҳикоялари, "Журналистика назарияси, амалиёти ва тарихи" кафедраси мудири Бойбўта Дўстқораевнинг мустақиллик шарофати билан Ўзбекистоннинг дунёга юз тутиши, умуман жаҳон тамаддунида ўзбекларнинг ўрни ҳақидаги қарашлари, шу кафедра доценти А. Нурматовнинг Туркия олимларининг Ўзбекистонга қизиқишлари ҳақидаги мулоҳазаларини талабалар қизиқиб тингладилар. Айниқса, ёзги таътилда АҚШга бориб журналистика бўйича тажриба алмашиб қайтган талабалардан Фарҳод Қодиров ва Диляра Жуманиёзованинг сафар таассуротлари уларга манзур бўлди. Ўзаро саволжавоблар, баъзан баҳсли ҳолатлар ҳам юзага келди.

Бу каби учрашувларни ташкил қилишда факультетнинг Маънавий-маърифий ишлар бўйича декан муовини Феруза Тўраева ҳамда "Журналистика назарияси, амалиёти ва тарихи" кафедраси бош-қош бўлди.

Назира ҚУРБОН қизи,
"Marifat" мухбири

ИЛЛАТЛАР ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?..

Mulohaza

Инсон учун нафақат жисмоний, балки маънавий, руҳий тарбия ҳам алоҳида эътиборга молик. Инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида ахлоқ-одоб, хулқ сингари мезонларнинг аҳамияти катта. Аммо бундай мезонлар қонунлар билан тартибга солинмайди. Демак, у кишиларнинг қонқонига сингиб кетган қоидалардир. Асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ушбу қоидалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, ахлоқ нормаларини олайлик. Жамоатчилик олдида ўзини тута билиш, кексаларга иззат, болаларга меҳрли бўлиш — буларнинг барчабарчаси одоб қоидаларига мос келади. Уйқудан турганда ювиниш, саломлашиш, қадамжоларни зиёрат қилиш ўзбек халқининг энг ажойиб анъаналарини ифода этувчи, ота-боболаримиздан қолган меросдир.

Шундай экан, яхши яшаш илинжида, ўзимизни ўтдан чўққа уриб, фақат моддий манфаатдорликни ўйлаб, бу анъаналаримизни унутиб қўймадикмикан? Тобора моддийлашаётган замон таъсирида пайдо бўлаётган қусурлар кишилар табиатига таъсир этмай қолмаяпти, фикримча.

Ҳар гал иш вақтим тугаб, уй томон — оилам сари шошиламан. Кечки пайт эмасми, ҳамма ишдан қайтади, автобус салони тирбанд. Одамлар, бунча тиқилинч бўлмаса, дегандай бир-бирларига тикилиб қўйишади. Ҳақиқатан ҳам оёқ қўйишга жой йўқ. Яқинда мана шундай муҳитда бир манзаранинг гувоҳи бўлдим. Автобусда ёш-яланглардан тортиб, 60-70 ёшлардаги қариялар ҳам кетяпти. Шу пайт орқа тарафдан ёши каттароқ эркак кишининг, "Ҳой номард оғзинга қараб гапир, агар автобусда юргинг келмаса, ана таксида юр..." деб бақириши одамларнинг диққатини ўзига тортди. Ҳамма ҳайрон. Унинг орқа тарафида эса ўзига оро берган жувон турарди. Гарчи, ғарбга хос кийинган бўлсада, ўзи ўзбек эди... Ҳалиги киши "қўлим баданингга тегиб кетса теккандир", дейиши билан масала ойдинлашгандай бўлди. Жувон ҳам, амаки ҳам ўзларининг кимлигини унутиб бир-бирини ҳақоратлашга тушишди. Уларнинг жанжали баъзи бир эр-хотинларнинг урушини эслатар, назаримда, улар жамоат транспортида юришганлигини унутиб қўйишганди. Шу пайт амаким кимдир, "Ҳой ака, ўзингизни қўлга олинг, андиша қилинг, бу ёғи ўзбекчилик..." деб тинчлантирди. Акамиз эса, "озгина кайфим бўлса бордир, менда нима айб?", деб ўзини оқлади. Шу билан жанжал босилди.

Тўғри, бир қарашда "айбсиздай" туюлар. Аммо аёлга нисбатан айтилган ҳақоратли сўзлар, бу ердаги онахонларга бўлган ҳақорат эмасми? Бундай бемаъни сўзлар барчанинг дилини вайрон қилишини айтмайсизми. Қани биздаги иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат. Бу борада ўзбек хотин-қизлари ҳам миллий этикамизни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи лозим, деб ўйлаймиз. Ахир уларнинг муомаласидан тортиб, кийиниши, юриш-туриш жамоат жойда ўзини тута билишигача миллийлигимиз асосида шаклланиши керак-ку.

Рост айтмоқ керак, биздаги баъзи оилалардаги тарбиянинг мўртлигими ёки шаклланмаганлиги боисми, айрим ёшлар кўча-кўйда, жамоат жойларида, хусусан, автобусда ўзларини тута билмайдилар. Уларнинг баъзиларида катталарга бўлган ҳурмат ҳисси деярли йўқ. Дейлик, нафақат автобус, умуман, жамоат транспортларида, кексаларга жой бермаслик, бир-бирини куракда турмайдиган сўзлар билан "сийлаб" қўйиш, бачкана, асабга тегадиган қилиқлар одатий ҳолга айланиб бораяпти-ку! Тўғри, бундан-да катта-катта оғриқли нуқталар бор. Уларнинг олдида бу сингари иллатлар ҳеч нима эмасдек... Аммо жамики йирик иллатларнинг илдизи — ана шу майда "husnbuzar"лар эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Бугун қадриятларимиз юксалаётган бир пайтда, бундай иллатларга бепарво бўлишимизнинг ўзи ачинарли ҳолат эмасмикан? Ушбу ёзганларим орқали бировларга ақл ўргатиш ниятим йўқ. Аммо ўзлигимизни англаш, деб аталган бундай даврда ҳар бир ҳаракатларимиз ўзбекона бўлишига ҳаракат қилайлик, азиз дўстлар.

Ориф ЖУМАНОВ

МУЗЕЙДА ЎТИЛАЁТГАН ДАРСЛАР

Yangilik

Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультети янги ташаббус билан чиққанмиш. Улар "Ўзбекистон тарихи" дарсларини факультет аудиторияларида эмас, балки тўғридан-тўғри "Ўзбекистон тарихи давлат музейи"да олиб бораётганмиш... Таҳририятимизга бу гаплар етиб келгач, "бундай хайрли ташаббус ташкилотчилари кимлар, дарслар ростдан ҳам музейда олиб борилаяптими ёки бунинг бари шунчаки миш-мишми" деган саволлар пайдо бўлди. Нима бўлганда ҳам юз марта эшитгандан кўра бир марта кўрган афзал, деган гапга амал қилиб, "Ўзбекистон тарихи давлат музейи"га йўл олдик. Музей назоратчиси дарслар ҳафтанинг пайшанба кунлари соат ўндан бошланишини айтди. Аммо ўша куни пайшанба эмасди, шу боис пайшанба куни бу ерга келишни дилга тугиб ортимизга қайтдик.

* * *

Ҳеч кимни, ҳеч нарсани кутмай ўқ мисол елаётган вақт олдиндаги ҳафтанинг пайшанбасини ҳам қувиб етди. Музейга яқинлашар эканман, унинг ён эшиги олдида турган бир талай йигит-қизларни кўрдим. Аммо уларни университет талабалари деб ўйлаганим йўқ. Чунки соат эндигина тўққиздан ўн дақиқа ўтганди. Ҳар қандай аъло ўқийдиган, дарсларга жон-жон деб ташриф буюрадиган талаба ҳам дарсга бир соат олдин келиши, у ёқдан бу ёққа юриб сабр билан устозларини кутиши кўпам кузатилавермайдиган ҳодиса. Соат ўн бўлгунга қадар йигит-қизларнинг сафи янада кенгайди. Улар бир-бирлари билан санъат, спорт, тарих ва ҳоказо мавзулар ҳақида суҳбатлашишар эди.

Соат ўн бўлган шекилли, музей эшиги очилиб, икки нафар музей ходими талабаларни ичкарига таклиф қилди. Шундагина уларнинг ЎзМУ талабалари эканлигини билдим.

"Ўзбекистон тарихи давлат музейи"нинг конференция залида "Ўзбекистон тарихи" сабоқларининг назарий қисми берилаётган экан.

Дарсни олиб бораётган ўқитувчи Аҳмад Холиқов билан қисқача суҳбатда бўлдик.

— Музейда дарс ўтиш ташаббуси қандай пайдо бўлди?

— Ўзбекистон Миллий университетининг "Ўзбекистон тарихи" кафедраси ўқитувчилари талабаларнинг дарсларда янада фаоллигини ошириш, мавзуларнинг талабалар хотирасида яхши сақланиб қолишини ва яна бир қанча мақсадларни кўзда тутган ҳолда, "Ўзбекистон тарихи" дарсларини факультет аудиторияларида эмас, балки "Ўзбекистон тарихи давлат музейи"да олиб бориш таклифи билан чиқишди. Ташаббус университет раҳбарияти томонидан дарҳол инобатга олиниб, музей раҳбарияти билан қисқа вақт ичида шартнома имзоланди. Натижа эса кўриб турганингиздек, биз дарсни музейда ўтказаяпмиз.

Хўш, бу ҳолни талабалар қандай қабул қилишди?

Талабалар Гулрух Очилова (Зулфия мукофоти совриндори), Малоҳат Исматова ҳамда Аброр Сафаровларни суҳбатга тортдим.

— Айтингчи, тарих дарслари музейларда ўтилиши қандай афзалликларга эга?

— Энг аввало қизиқарли.

— Назария билан амалиёт уйғунлашиб кетади.

— Қолаверса, дангаса талабалар ҳам азбаройи бундай услубда ўтиладиган дарсларга қизиққанидан бирорта дарс қолдиришмайди. Агар кузатган бўлсангиз, ҳозир залда 50 нафарга яқин талаба бор, уларнинг ҳаммаси бу дарсга келишган.

Суҳбатдошларим шу тариқа анча гапиришди. Менинг эса бу гаплардан олган хулосам битта эди. Ташаббус яхши нарса, мана биргина ташаббус самараси ўлароқ, талабалар орасида дарс қолдириш кескин камайибди. Қолаверса, мавзуларни тушуниб олиш, қадимий экспонатларни томоша қилиш ҳар бир талаба қалбида ўз мутахассислигига нисбатан чексиз муҳаббат уйғотади.

Дарснинг амалий қисми, яъни экспонатлар билан ишлаш қисми бошланганда, талабалар музей ходимлари тушунтираётган гапларни жон қулоғи билан тинглаб, экспонатларни қунт билан кўздан кечираётганлигининг гувоҳи бўлдим...

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли,
"Маърифат" мухбири

Лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида ўқиётган ўқувчилар ушбу ўқув йилида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари талабалари бўлдилар. Демак, яна икки-уч йилдан сўнг узлуксиз таълим тизимининг яна бир бўғини тўла янги алифбога ўтади. Хўш, ҳеч қаерда ўқимайдиган ота-оналар-чи? Уларга янги ўзбек алифбосини ким ўргатади? Педагогика фанлари номзоди Йўлдош Абдуллаевнинг "Катта ёшдагиларни янги алифбога ўргатиш усули" бу борада қўл келиши мумкин.

Ушбу усулнинг ўзига хослиги шундаки, у янги алифбони таҳлил-таркиб асосидаги товуш усулида эмас, балки нутқнинг энг кичик бирлиги нутқ товушларига нисбатан йирик бўлак бўлган "Сўз бирликлар" усулида ўргатишга асосланади.

O'qituvchiga yordam

ЯНГИ АЛИФБОДАН САБОҚЛАР

СЎЗ БИРЛИКЛАРИ УСУЛИ

"Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари" ҳақида маълумот беришда 1995 йил 24 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 339-сонли қарори билан тасдиқланган матнларга асосланиш зарур. Мазкур асосий қоидалар бир неча марта матбуотда берилди, чунончи, 1996 йили "Ўқитувчи" нашриётида чоп қилинган "Ўзбек тилининг имло луғати"нинг (тузувчилар: Шавкат Раҳматуллаев, Азим Ҳожиев, масъул муҳаррир Йўлдош Абдуллаев) кириш қисмида берилган. Шу китоб 2003 йили "Ўқитувчи" нашриётида қатъий буюртма асосида "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун" қайта нашр қилинди. Ушбу мақоламизда айрим имло қоидаларини шарҳлашда ана шу манбага асосландик.

Маълумки, ўзбек адабий тилида 6 унли товуш-ҳарф мавжуд; i,0 O', U, E, A.

Алифбони ўрганишда бир сўздан фойдаланган ҳолда ҳам яхшигина самарага эришиш мумкин. Масалан, ўқитувчи хаттахтага, хуснихатга риоя қилиб, bino сўзини кичик ҳарфлар билан ёзиб қўяди, бу сўз лотин алифбосида ҳам 4 та ҳарф билан ифодаланишини таъкидлаб, ҳарфларнинг ёзма ва босма, кичик ва катта шаклларини хаттахтага қуйидаги тартибда ёзади; хотирада тутиш учун лотинча ҳарфларнинг кириллча ёзувдаги кичик шаклини ҳам кўрсатиш ўринли.

Bino-b
b B i l nN o O
б и н о

bino сўзи, унинг таркибидаги нутқ товуш-ҳарфларини ўзлаштириб олиш учун ўқитувчи қуйидаги сўзларни ўзи хаттахтага ёзиб кўрсатади; курс тингловчилари намуна асосида кўчириб оладилар: in, on, non, obi, obinon,ibi, bibi, obbo. Бу машқдан сўнг ўқитувчи қуйидаги сўзларни айтиб туради, айрим мураккабларини хаттахтага ёзиб боради, тингловчилар эшитган сўзларини мустақил кўчиришади: bobo, 1-bob, ninni, inon, noib (депутат).

Ўқитувчи шу ерда тингловчиларга қуйидаги маълумотни бериши мақсадга мувофиқдир. Кирилл ва лотин алифболарида а нутқ товушининг шакли бир хил; лотин ёзуви эрамиздан аввалги V-III асрларда жуда машҳур бўлган, илм-фан ҳам тараққий қилган эди.

Кирилл алифбосини эрамизнинг IX асрида болгариялик ака-ука Кирилл ва Мефодий тузганлар. Эҳтимол улар кирилл алифбосини тузишда бир неча ҳарф шаклини, чунончи, а ҳарфини ҳам лотин алифбосидан олган бўлишлари мумкин.

Ушбу маълумотдан сўнг қуйидаги сўзлар ёздирилади: ana, ona, innana, inon, iona, banan. Сўнгра тингловчиларнинг 2-3 нафарига ёзилган сўзлар навбат билан ўқитилади ва қуйидаги гаплар хаттахтага ёздирилади. Гаплар ёзма бош ҳарфлар билан ёзилишига тингловчиларнинг диққати жалб қилинади: Ana bobo. Bobo ana. Nabi bobo ana. Ana Onabibi. Ibo, ana Bobo. Na in, na Nabi. Noiba, inon. Inob, ana Onabibi.

Мазкур гаплар тингловчиларга ўқитилади. Сўнгра ёзма ҳарфлар билан: Ana bobo. Ana Onabibi. Inob, ana Onabibi гапларни ва banan, Inon каби сўзларни аввал босма кичик ҳарфлар, сўнгра босма бош (катта) ҳарфлар билан ифодалаш мустақил иш қилиб берилади.

Машғулот охирида ўрганилган ҳарфлар билан ёзилган сўз ва гапларни аввал овоз чиқармай ичида, сўнгра 3-4 тингловчидан овоз чиқариб ўқиш талаб қилинади.

Бу дарсда ўрганилган гап, сўзларни уйда ўқиш, хуснихатга эътибор бериб кўчириб ёзиш вазифа қилиб берилади.

Маълум бўладики, бу машғулотда янги алифбомизда ёзилган уч унли: i, a, o ҳамда b, n ундош нутқ товушлари-ҳарфлар bino сўзи асосида ўрганилди. Шунинг учун буни "Сўз бирликлар" усули деб номладик.

Навбатдаги машғулотларда o'quv, demang сўзларининг ёзилиши ўргатилади, тингловчилар бу сўзлардаги o', u, e ҳарфлари унли товушларни ифодалашини, ўзбек адабий тилида 6 та унли товуш-ҳарф борлиги, уларнинг талаффузи ва имлосини эслайдилар.

Унли товуш-ҳарфларнинг ёзилиш шакллари ва имлоси.

Юқоридаги мисолларда адабий тилимиздаги унлиларнинг катта ва кичик шаклларда ёзилиши кўрсатиб ўтилди. Унли нутқ товушларининг адабий тилдаги талаффуз меъёри, имлоси ҳақида ҳам маълумот бериш талаб қилинади. Чунончи,

— **a** ҳарфи ana, ona, aloqa, sentabr каби сўзларда олд қатор кенг унли (ўқитувчи барча ҳарфларни адабий тил меъёрларида талаффуз қилиб, намуна кўрсатиши керак); baho, zamon, savol каби сўзларнинг олдинги бўғинида, vaqt, vahima каби сўзларда а айтилади ва ёзилади.

— **o** ҳарфи ona, omon, xola, lotin каби сўзларда орқа қатор кенг унлини ифодалаш учун ёзилади. (Ўзбекистондаги баъзи шаҳар ва қишлоқларда адабий тилдаги о товуши а тарзида ёки шунинг тескариси тарзида айтилади; bola, bala, oka-aka.); бундай ўринларда адабий тил талаффузи меъёрида ёзиш керак.

— **i** ҳарфи qil, ikki, tulki, bilan, birog, qishloq каби сўзларда олд қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади. Бу ҳарфнинг катта шаклини ёзиш юзасидан алоҳида машқ қилинади.

— **o'** o'tin, bo'lim каби олдинги бўғинида o' унлиси келадиган сўзларнинг кейинги бўғинида i айтилади ва ёзилади.

— **u** ҳарфи uy, kun, buzoq, butun, usul, tuz, ko'zgu, uyqu каби сўзларда орқа қатор тор унлини ифодалаш учун ёзилади; qovun, sovun, yulduz каби сўзларнинг кейинги бўғинида i эшитилса ҳам u ёзилади.

Юқорида унли товуш-ҳарфларнинг талаффузи ва имлоси ҳақида маълумот беришда ҳали курс машғулотларида ўрганилмаган ундош товушлар ҳам қўлланилди. Бу ноқулайликнинг олдини олишда курс машғулотларини ўтказувчи устозларга мисоллар учун берилган сўзларни хаттатахтага ёзмай, оғзаки тушунтириш, тўғри талаффуз қилиб кўрсатиш тавсия қилинади.

— **o'** ҳарфи o'q, o'zbek, o'simlik, semiz o't каби сўзларда орқа қатор ўрта кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

— **e** ҳарфи ekin, esla, ekkan, eksport, kel, behi, teatr, poyezd, atelye каби сўзларда олд қатор ўрта — кенг унлини ифодалаш учун ёзилади.

bino, o'quv, demang сўзларининг ёзилиши ва имлоси ўтиб бўлингандан сўнг "Omad nima?" матни асосида диктант ёздириш тавсия қилинади. (Бу матн таркибидаги сўзларда фақат ўрганилган ҳарфлар бор.)

Omad nima?

— Omad — bu quvonmoq.

— Adiba va Abdumannonning omadi nimada? — dedi Damin.

— Ong va uquvida, — dedi Obid.

Матн ёзиб бўлингач, уни 2-3 тингловчига ўқитиб, сўнг шу матнни босма кичик ҳарфлар билан, omad — bu quvonmoq гапини эса босма катта ҳарфлар билан ёзишни мустақил иш қилиб бериш ҳам мумкин.

Баъзи ундош товуш-ҳарфларнинг ёзилиш шакли ва имлоси

Ҳар бир унли ва ундош товушнинг ёзувда 4 хил: ёзма ва босма, кичик ва катта (бош) шакллари бор. Юқорида унли товушларни ифодаловчи ҳарфларнинг ёзма кичик ва катта шакллари ҳамда уларнинг имлосини баён қилдик. Қуйида ундошларнинг ёзилиш шакллари ва имлоси тўғрисида фикр юритамиз.

— **b** ҳарфи kitob, yuzlab, kelib-ketib, ko'rib-ko'rib сўзлари охиридаги b товуши пиёла сўзидаги п товуши тарзида эшитилса ҳам b ёзилади;

— **f** ҳарфи fasl, fursat, Fotima каби сўзларда баъзан р айтилса ҳам аслига мувофиқ f ёзилади;

— **d** ҳарфи obod, savod, marvarid; zavod, pud, sud, badqovoq каби сўзларда t айтилса ҳам d ёзилади.

Кирилл алифбосида шод, чет, сўзларидаги ш, ч, ҳарфлари янги алифбода ҳарфлар бирикмаси, яъни sh, ch билан ифодаланади: shod, chet el; ранг сўзидаги ҳарфлар бирикмаси НГ лотинча икки ҳарф, яъни NG билан берилади: yangi, ohang.

Ҳарфлар бирикмаси билан ифодаланган нутқ товушлари босма катта ҳарфлар билан ёзилса, бирикмадаги ҳар икки белги ҳам босма катта шаклда ёзилади: AQSH, BMT.

Эслатма. Лотинча sh ҳарфлари бирикмасидаги s h ҳарфлари баъзи сўзларда мустақил икки товушни ифодалайди. Бундай ҳолларда бу икки ҳарф ўртасининг юқорисига тутқ белгиси қўйилади (бу белги вергул шаклида). Масалан: Is'hoq, as'hob.

— кириллча ж ҳарфи икки хил нутқ товушини ифодалар эди: жўжа, гараж. Янги ўзбек алифбосида ҳам j ҳарфи икки хил нутқ товушини билдиради: a) jon, jahon, rivoj каби сўзларда тил олди жарангли қоришиқ ундошни; в) jurnal, ajdar каби сўзларда тил олди жарангли сирғалувчи ундошни ифодалаш учун ёзилади.

Бундай ҳолда матндаги мазкур товушли сўзни айтишда хато қилмаслик учун (jurnal) ўқишдан аввал матнга кўз югуртиб чиқиш тавсия қилинади.

shanba, yondosh каби сўзларда баъзан п товуши т тарзида айтилса ҳам т эмас п ёзилади.

x ҳарфи xabar, xamir каби сўзларда чуқур тил орқа жарангсиз сирғалувчи ундошни; h ҳарфи эса isloh, nikoh каби сўзларда жарангсиз сирғалувчи бўғиз ундошини ифодалаши юзасидан махсус машқлар ўтказиш тавсия қилинади.

Имло белгилари

Тутуқ белгиси. Бу белги ҳарф эмас, нутқда айрим сўзларнинг тўғри талаффузига ишора қилиш учун ёзувда қўлланилади. Бу белги ҳарфнинг юқори қисми бараварлигида ўнг томонига вергул шаклида қўйилади.

Тутуқ белгиси икки хил ўринда қўлланилади:

а) сўзлашма сўзларда товуш тутилишига ишора қилади; ундош товуш-ҳарфнинг ўзидан кейинги унлидан (a, e, i) ажратиб ўқилиши (айтилиши)ни билдиради: san'at, sur'at, jur'at,, an'ana, mus'ul, hay'at, Mas'ud, fe'l, she'r;

б) сўзда f, e, и унли товушларидан сўнг овоз бироз тутилиб, ўзидан олдинги унли чўзиқроқ талаффуз қилинишини кўрсатиш учун қўйилади: ba'zi, ta'til, ma'yus, e'lon, fe'l, shu'la, Ra'no, A'loxon, Nu'mon, E'tiborxon.

Кўчиш белгиси. Бу белги алифбодаги икки ҳарфда қўлланади: **qol** сўзидаги о га кўчиш белгиси қўйилса **o'** qo'l сўзидаги ў ни билдиради: qol-qo'l.

Кўчиш белгиси кичик ёзма o'q ҳарфларининг устига тўлқинли чизиқ шаклида, мазкур ҳарфларнинг босма катта шаклнинг ўнг томонига шу ҳарф бараварлигига тескари вергул шаклида қўйилади: QOL-QO'L, GIR_GIR, G'IR-G'IR.

Юмшатиш ва айириш белгили сўзлар я, ю, е, ё, ц ҳарфли сўзларнинг имлоси.

Ўзбек тилига кирилл алифбосидаги юмшатиш **-ь** ва айириш **-ъ** белгили сўзлар ва ёлашган я, ю, е, ё ҳарфли ҳамда ц ҳарфи ифодаланган нутқ товуши янги ўзбек алифбоси ва имлосида қандай ифодаланиши масаласи ва уларни ўргатиш усуллари 2000 йили "Ўқитувчи" нашриётида чоп қилинган "Янги алифбо ва имло" ўқув қўлланмасида ҳамда ўзбек тили имло луғатининг ("Ўқитувчи" нашриёти, 2003 йил) "Илова" қисмида берилган. Бу мавзуларни махсус соатлар ажратиб, амалий ишларни кўпроқ уюштириш тавсия қилинади.

Йўлдош АБДУЛЛАЕВ,
педагогика фанлари номзоди

IELTEdan kutilayotgan asosiy maqsad — ingliz tilini o'rganishning eng zamonaviy uslubini respublikamiz barcha ta'lim muassasalarida tatbiq etishdan iborat.

Hozirda yoshlarni xuddi bozordek o'ziga chorlayotgan kompyuterlar ham yoshlarning kitob o'qishga bo'lgan ishtiyoqini so'ndirayotganday. Ular bo'sh vaqtining asosiy qismini kitob o'qish bilan emas, balki kompyuter oldida o'tkazmoqdalar.

O'qituvchiga yordam

QADIMGI ADABIY YODGORLIKLAR

(Davomi. Boshi o'tgan sonlarda)

*Urushlar va yurishlar tinimsiz, jangu jadallar shafqatsiz edi. Ushbu hol bitiktoshda quyidagicha ifodasini topgan: "Hammasi bo'lib yigirma besh marta lashkar tortdik, o'n uch marta jang qildik, davlati borni davlatsizlantirdik, xoqoni borni xoqonsizlantirdik, tizzasi borni cho'kkalatdik, boshi borni ta'zim ettirdik". Bitiktoshlarda qirg'iz, uyg'ur, tatar, o'g'iz, to'qqiz o'g'iz, so'g'd, qarluq kabi ko'plab el-elatlar, qabila-urug' nomlari uchraydi. Masalaning dahshatli va iztirobli tomoni shundaki, yuqorida tilga olingan jangu jadallar ko'pincha mana shu turkiy qabilalar orasida kechadi. O'zaro kelishmovchiliklar, mansab va saltanat talashlari, do'stni dushmanga, qardoshni begonaga aylantiradi. Oxir-oqibat turk millati daraxtning tepasiga chiqib tanasini arralayotgan afandidek o'z poyiga o'zi bolta urib boraveradi. "Kultegin bitiktoshi"da quyidagi iztirobli satrlarga duch kelamiz: "**Turk o'g'uz beklari, ey xalq, eshiting! Tepadan osmon bosmagan bo'lsa, pastda yer yorilmagan bo'lsa, ey turk xalqi, davlatingni, hukumatingni kim buzdi?**"*

*Toshbitiklar, ayniqsa, so'nggi ikkitasi shuni ko'rsatadiki, uning muallifi Yo'lluqtegin katta badiiy salohiyatga ega bo'lgan: so'zlar salmoqli, ifoda ravon, manzaralar ta'sirchan tasvirlangan. Har ikki bitiktosh matni o'zining qat'iy mazmuniy va mantiqiy qurilishiga ega. Jumladan, Kultegin bitigi xoqonning o'z xalqiga, beklariga xitobi bilan boshlanadi. So'ng o'zini tanishtiradi, qilgan xizmatlaridan so'zlaydi. Oldindagi xavflardan yurt ahlini ogoh qiladi. Uning soddaligidan, ishonuvchanligidan xavotirini yashirmaydi, xalq boshiga tushgan balo-ofatlarning sababini shundan ko'radi. Chunonchi, u shunday deydi: "**Ey turk xalqi, g'oyat ishonuvchansan. Samimiydan-nosamimiyni ajratmaysan. O'shanday-liging uchun tarbiyat qilgan xoqoningning so'zini olmayin har qaerga ketding, u yerlarda butunlay g'oyib bo'lding, nom-nishonsiz ketding... Turkning endigi xalqi, beklari! Uy, dunyogagina qaraydigan, ko'ziga faqat mol-mulk ko'rinadigan beklar, sizlar — gumrohsizlar!**"*

*Yo'lluqtegin Kulteginning g'alabalarga burkangan shonli hayotini baland pardalarda tarannum etadi. Uning jangdagi shiddatidan hayajonga tushib yozadi: "**Kultegin yayov otilib hujum qildi. O'ng Tutuq yo'lboshchisining yaroqli qo'lini tutdi... U lashkarni o'shanda yo'q qildik. Yigirma bir yoshida Chacha Sangunga urush qildi. Eng avval Tadqan Churning bo'z otini minib hujum qildi, u ot o'shanda o'ldi. Ikkinchi bor Ishbara Yamtarning bo'z otini minib hujum qildi, u ot o'shanda o'ldi. Uchinchi bor Egan Silig bekning to'riq otini minib, hujum qildi, u ot o'shanda o'ldi. Yarog'iga, yopinchig'iga yuzdan ortiq o'q bilan urdi. Badaniga, boshiga bitta tegmadi**".*

*Bunday xususiyatlar faqat Yo'lluqtegin qalamiga xos deyish, to'g'ri emas. To'nyuquq bitigtoshida ham ta'sirchan jang manzaralari tasviri yo'q emas. Masalan: "**Men dono To'nyuquq: Oltin yishni oshib keldik, Irtish daryosini kechib keldik. Jangchilarning kelgani qahramon, deganlar. Dushman sezmay qoldi. Tangri, Umay, muqaddas er-suv dushmanni bosib bergan ko'rinadi. Nega chekinamiz, dushmanni ko'b deb? Nega qo'rqamiz, o'zimizni oz deb? Qani bosaylik, hujum qilaylik, dedim. hujum qildik, dushmanni tor-mor qildik. Ikkinchi kun keldi. Urushdik. Ularning qo'shini biznikidan ortiq edi. Tangri yorlaqagani uchun, dushman ko'p deb, biz qo'rqmadik, jang qildik**".*

Mazkur toshbitiklar, aslida, she'r bilan yozilgan. Yuqoridagi namunalar hozirgi o'zbek tiliga qilingan tabdilidan keltirildi. Tabdil esa nasrda berilgandir. Mutaxassislar mazkur bitiklar badiiyatini yuqori baholaydilar va uning mumtoz she'riyatimizning shakllanishi va rivojida alohida o'rni borligini ta'kidlaydilar. Yodgorlikning til xususiyatlari e'tiborga loyiq. Asar tilidagi ko'plab so'zlar hozirgi o'zbek tilida aynan qo'llaniladi. Bir qism so'zlarda ozgina tovush o'zgarishlari yuzaga kelgan, yana bir toifa so'zlar esa bugun iste'moldan chiqib ketgan.

*Yolgorlikda o'rni-o'rni bilan so'zlarning ko'chma ma'nolarda qo'llanishi seziladi. Shuningdek, majoz, matal, maqollardan foydalanish kuchli: "**Tabg'ach, O'g'uz, Xitoy — bu uchovi qamal qilsa, qamalda qolajakmiz. Unda vujudining ichu tashini, molu jonini topshirgan kishiday bo'lamiz. Yupqa yig'in tor-mor qilishga oson emish, ingichka yig'in uzishga oson emish. Yupqa qalin bo'lsa, tor-mor qiladigan bahodir emish, ingichka yo'g'on bo'lsa, uzadigan bahodir emish**".*

Asarda oltinga "sariq", kumushga "oq", tuyaga "egri" singari epitetlar qo'llangan. Undagi asosiy tasvir vositasi alliteratsiyadir. Alliteratsiya — tovushlar uyg'unligi, asosan, bir xil tovushlarning takrorlanishi natijasida yuzaga keladigan ohangdorlikdir. Unda unli va undosh tovushlar takrorlanishi mumkin.

O'ngra qitaynyig'
O'lurtachi terman,
Bani O'g'uzug'
O'lurtachi-o'q terman.

O'rxun-Enasoy yodgorliklarida so'z takrori ham ko'p uchraydi:

Tabg'ach qag'an
yag'imiz erti
O'n o'q qag'ani
yag'imiz erti.

*Asardagi o'ziga xos tasvir usullaridan yana biri voqea-hodisalarga muayyan yondashish, munosabatning ifodalanishidir. Ko'pincha bir necha voqea-hodisalar yoki ular bilan bog'liq detallar ketma-ket sanaladi: "**Turk budun o'lti, alqinti, yo'q bo'ldi**". Bu yerdagi ketma-ket sanoq voqea zamiridagi dahshatli musibatni, kuchli fojiani juda yorqin namoyon etadi. Yoki: "**Tabg'ach, bardanayin teg. Qitayn, o'ngdalayin teg. Ban yirdantayin tegayin**". (Tabg'ach, oldindan hujum qil! Xitoy, o'ngdan hujum qil! Men chapdan hujum qilay!). Bu — o'g'uzlar orasidan kelgan kuzatuvchi nutqidan parcha. Bu erdagi sanoq dushman tomonidan solinayotgan tahdid va xavf-xatarni bevosita his etish imkonini beradi.*

O'rxon-Enasoy obidalari, bir tomondan, xalqimiz hayotining VI-VIII asrlardagi murakkab tarixini hayajonli va ta'sirchan lavhalarda bizga yetkazib qoldirgan bo'lsa, ikkinchi tomondan, ular millatning birligi va butunligini saqlash, uni o'zaro ahillikka da'vat etish vositasi bo'lgan. Mazkur obidalarning ma'rifiy va adabiy qimmatini shular belgilaydi.

Savol va topshiriqlar

1. Islomgacha bo'lgan ajdodlarimiz hayoti haqida nimalar bilasiz? Qadim Turkistonning qaysi shahar va davlatlarini sanay olasiz?

2. Zaratushtra va uning ta'limoti haqida ma'lumot bering? Zardo'shtiylik dinining paydo bo'lish o'rni, tarqalish doirasi, mohiyati haqida nimalarni bilasiz?

3. "Avesto"dagi Hurmuz (Ahuramazda), Ahriman (Angramanyu) timsollari haqida ma'lumot bering. Kitobdagi ezgulik va yovuzlik o'rtasidagi kurash tasvirini bugungi kunga tatbiq qilish mumkinmi?

4. Ko'kturklar xoqonligi haqida so'zlab bering. Bu xoqonlikning davri, bosqichlari, vakillari haqida nimalar deya olasiz?

5. Bitiktoshlarning ilmiy-ma'rifiy ahamiyati haqida nimalar deya olasiz?

Bitiktoshlarning adabiy-badiiy qimmati haqida nima deya olasiz? Bitiktoshlardagi jang manzaralari tasviri, qahramonlik namunalari ifodasi haqida fikr bildira olasizmi? Ulardagi iztirobli kechinmalar haqida-chi?

ЗАМОНАВИЙ, ЖАДАЛ, ИНТЕРФАОЛ

Мустақилликкача ҳаммага маълум сабабларга кўра, хорижий тилларни ўрганишга катта аҳамият берилмас, уни ўқитишни такомиллаштириш тўғрисида ҳеч ким бош қотирмас эди. Бу фанга оид адабиётлар асосан, Москва ва иттифоқнинг бошқа шаҳарларидан олиб келинар эди. Хорижий тилларни ўрганиб, ундан фойдаланиш имконияти бўлмагач, ўқитиладиган услубларнинг тури ҳам шунга мос эди: дарсларда чет тилларни ўргатиш уларнинг грамматикасига асосланар, оғзаки нутқни ривожлантиришга унчалик аҳамият берилмас эди. Ҳозирги кунда хорижий тилни ўрганиш, ўқиш, ёзиш, сўзлаш ва тинглаб тушуниш ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлишни тақозо этади. Хорижий тилда мулоқот олиб бориш замонавий тилшунослик олдига махсус жадал, коммуникатив, интерфаол услубда ишлаш вазифасини қўяди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетида 2001 йилдан бошлаб хорижий мамлакатларда кўп йиллар мобайнида қайта-қайта синовдан ўтган ана шундай жадал, коммуникатив, интерактив услубда инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлаш махсус бўлими (ИЕЛТЕ) очилган бўлиб, бугунги кунда унинг биринчи ва иккинчи курсларида 200 нафарга яқин талабалар таҳсил олмоқда. Бўлимнинг ҳар бир курсига 100 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган.

ИЕЛТЕдан кутилаётган асосий мақсад — инглиз тилини ўрганишнинг энг замонавий услубини республикамиз барча таълим муассасаларида татбиқ этишдан иборат. Биринчи навбатда бу бўлимни тамомлаган кадрлар инглиз тили ўқитувчиларини тайёрлайдиган олий ўқув юртларига юборилиши кўзда тутилмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда университет маъмурияти томонидан катта эътибор берилаётган бўлимдаги мутахассислар республикамизда ҳамда хорижда етарли даражада тайёргарлик кўришган. АҚШнинг мамлакатимиздаги элчихонаси, СОРОС фонди, Тинчлик корпуси, Британия Кенгаши бу бўлимга ҳомийдир. Замонавий ўқув қўлланмалари, дарслик, аудио, видео материаллардан ташқари, халқаро ташкилотлар юқорида қайд этилган бу интерфаол методнинг асосларини ҳам ишлаб чиққан. Ҳозиргача университет бўлим учун уч марта хорижий халқаро ташкилотлар грантларини олиб, ўқитишнинг моддий-техника базасини, хусусан компьютер синфини, ўқув жараёнига ўта аҳамиятли бўлган катта ишлаш қувватига эга бўлган резограф, телевизор ва аудио, видео магнитофонларни қўлга киритди. Университет яқин кунларда яна бир катта грант соҳиби бўлди. У 2003—2004 ўқув йили учун АҚШ давлат таълим департаментининг катта гранти бўлиб, янги бўлимни янада кенгайтиришга, ўқишнинг техник воситалари сони ва сифатини яхшилашга, инглиз тилини ўқитиш бўйича энг янги дарслик ва қўлланмаларни харид қилишга, хорижий давлатларда ишлаётган етакчи мутахассисларни университетга олиб келишга ҳамда мазкур бўлимда ишлаётган ўқитувчиларнинг ҳаммасини АҚШга икки ҳафталик малака оширишга юборишга мўлжалланган.

Til bilgan el bilar

ИЕЛТЕ талабалари ўқиш жараёнида, танаффус вақтларида ҳам ўзаро инглиз тилида мулоқот қиладилар. Уларда сўзлашувни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Кўпчилик назарий фанлар ҳам университетнинг Ў.Юсупов, А.Содиқов, А.Қўлдошев каби етакчи профессор-ўқитувчилари томонидан инглиз тилида ўқилади.

ИЕЛТЕда талаба ва ўқитувчи орасидаги муносабатларнинг шарқона, устоз ва шогирд орасидаги дўстона муносабат бўлишига, ўқув жараёни онгли интизомга, ўзаро талабчанликка асосланган бўлишига қаратилган. Талабаларнинг хорижий тилларни чуқур эгаллашларидаги кўзга ташланаётган сезиларли муваффақиятлари қисман ана шу муносабат билан тушунтирилиши мумкин.

ИЕЛТЕни СОРОС фонди совриндори, АҚШлик доктор Майкл Бенсон биринчи кунданоқ ўзининг бор билим ва тажрибасини кўрсатиб келяпти. Ҳозирда бу бўлим АҚШлик Жоэл Узарский томонидан бошқарилмоқда. Унга университет кафедра мудирлари Д.Ғозиева ва А.Шатунова ҳар томонлама ёрдам кўрсатишяпти. Махсус бўлим ташкил этилганига эндигина икки йил бўлишига қарамай, унда АҚШ, Буюк Британия ва бошқа мамлакатлардан инглиз тилини ўқитишнинг долзарб услубларини яхши биладиган ўндан зиёд олимлар таклиф этилиб, талабаларга маъруза ўқишди. Шу бўлимда дарс бериб келаётган ўн икки маҳаллий ўқитувчининг малакасини оширишга ёрдам кўрсатишди. Уларнинг бирлари хорижий тилни ўзлаштиришда ўқиш малакасига доир машғулот олиб боришса, бошқалари ёзиш, тинглаб тушуниш малакасини ҳосил қилишга ёрдам беради. Жадал, интерфаол метод асосида ўқиётган бўлимнинг ҳозирги ва истиқболдаги аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда университетимиз илмий кенгаши аъзолари сентябрь ойидаги кенгайтирилган мажлисида уни келажакда махсус факультетга айлантириш таклифини айтишди.

Хорижий тилларни янги замонавий услуб асосида ўргатиш фақат ана шу услубни биладиган мутахассисларни тайёрлаш билан чекланмаслиги табиий ҳолдир. Икки йилдан кейин 100 нафар мутахассис университетни битириб, республикамизнинг турли ўқув муассасаларига йўлланма оладилар. Лекин ана шу янги услуб асосида машғулотлар олиб боришга мўлжалланган ўқув қўлланмалари, дарсликлар барча таълим турлари учун яратилиши керак, деб ўйлаймиз. Мактабларда хорижлик ҳамкорлар билан бирмунча ишлар қилинса-да, лицей-коллеж ҳамда олий ўқув юртлари мақтайдиган даражага етолгани йўқ. Университетимизда инглиз тили мутахассислиги бўйича биринчи ва иккинчи курслар учун дарсликлар ёзиб тугатилмоқда. Юқори курсларда ўқув қўлланмалари бўйича муаллифлар гуруҳи тузилиб, бўлажак дарсликлар таркиби, режаси ишлаб чиқилди ва қўлланманинг дастлабки бўлимлари устида иш бошлаб юборилди. Бундай дарслик ва дастурларнинг ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг тегишли соҳаларига мўлжалланган махсус турларининг яратилиши ўз ечимини кутмоқда. Бугунги кунда юртимизда бундай дарсликларни ёза оладиган мутахассислар кўплаб топилади. Дарсликлар ёзилишидан манфаатдор ташкилотлар ва таълим муассасаларининг олдида турган вазифа танлов асосида уларни уюштириб, зарур шароит яратиш ҳамда тайёр китобларни чоп этишга керакли маблағ ажратишдадир. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни лозим топдик. Ҳозирги кунда хорижий тилларни билишнинг аҳамияти ҳисобга олиниб, уларга мактабгача, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари ўқув режа ва дастурларида катта ўрин ажратилган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қайд этилган таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида яратилаётган ва яратилажак дарслик, ўқув қўлланмаларининг узвийлиги, кетма-кетлиги ҳамда изчиллигини таъминловчи ҳамда мувофиқлаштирувчи ягона ташкилот бўлса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Хорижий тиллар ўқитилишини такомиллаштириш билан боғлиқ яна бир масала шундан иборатки, бугунги кунда Ўзбекистон телерадиокомпанияси рус тилида янгиликлар, оммавий кўрсатувлар, катта ва кичик ёшдагиларга мўлжалланган бадиий, мультипликацион фильмларни кўрсатиб келмоқда. Агар телевидение хорижий тилларда ҳам вақти-вақти билан эшиттириш, кўрсатув ва кинофильмлар бериб турса, фойдадан холи бўлмасди. Жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун бу ишларни амалга ошириш ўта муҳим ва долзарбдир.

Г.БОҚИЕВА,
филология фанлари доктори,
А.ИРИСҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди

Япония гранти ҳисобидан ташкил этилган компьютер синфхоналарида ўқувчилар математика ва информатика дарсларини ҳамда дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар. Асака туманидаги 7-ўрта мактаб ўқитувчиси Гулбаҳор Абдукаримова ўғил-қизларга ушбу фанларни компьютер ёрдамида олиб бормоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ
олган сурат.

ЁШЛАР ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОРИШИ КЕРАК!

Болалик — умримиз баҳори. У бизнинг айни куч-қувват, шижоатга тўла давримиз. Билагимизда тоғни урса талқон қилгудек қудратимиз бор. Ғайратимиз танамизга сиғмайди. Эртанги кунимиз ҳақида ширин хаёллар сурамиз. Ҳаётимиз фаровон ўтиши учун "нимадир" қилиш кераклиги ҳақида ўйлай бошлаймиз.

Шу ўринда савол туғилади. "Ҳўш, эртанги кун фаровонлиги учун биз нималар қиляпмиз?".

Бу саволга жавобни айни мустақил ҳаётга қадам қўйиш арафасида турган ўсмир ёшлар мисолида кўриб ўтиш айни муддао бўлади.

Ҳозирги кунда ёшларнинг аксарият қисмини бир нарса қизиқтиради: яхши амал курсисининг эгаси бўлиш, бой-бадавлат яшаш, тагида NEXIA машинасию қўлида "сотовий" телефон. Орзуга айб йўқ. Шунча нарсага эга бўлишнинг нимаси ёмон? Лекин мени бир нарса қизиқтиради: "Шунча орзу қилаётганлар бу орзусига қайси ёки қандай меҳнати билан эришмоқчи?"

Табиийки, буларга эришиш осон эмас. Бунинг учун қўлингда бирор ҳунаринг ёки яхши бир касби-коринг бўлиши керак ва ёки...

Келинг, яхшиси масалага атрофлича ёндашиб, ҳозирда кўпчиликни ўзига оҳанрабодек тортаётган, "бойликнинг кони" бўлган ва бугунги кун ёшлари орзу қилган ҳаёт тарзи "мужассам" бўлган жой ҳақида фикримизни давом эттирсак. Биз фикр юритаётган бу жой бозор эканлигини эҳтимол англагандирсиз. Кўпчилик ёшлар орзуларига монанд равишда бозорни танлашган. Тўғри, бозорда гап кўп, шунинг билан биргаликда пул ҳам кўп. "Қўлингда пулинг борми, демак сен ҳамма нарсага қодирсан". Бу гап ҳозирда бозордаги ўсмирларнинг шиорига айланган. Лекин масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бозордаги ёшларнинг ҳаммаси ҳам бойлик илинжида бу ерда қолиб кетаяптими ёки бошқа маълум бир эҳтиёжлар бунга сабаб бўлаяптими?

Бозор айланиб юрар эканман, у ерда турли давлатлардан келтирилган аёллар ва эркаклар кийимини сотаётган тенгдошларим қаторида қизларни ҳам учратдим. Уларнинг ўзаро суҳбати диққатимни ўзига тортди. Қизлардан бири кеча Қозоғистондан олиб келган "мол"лари ҳақида иккинчисига "ҳисобот" бераётган эди. Қозоғистондан мол олиб келаётган аёллар ҳақида эшитувдим. Тавба, энди бу ишга наҳотки қизлар ҳам "бел боғлаган" бўлсалар?!

Бу каби ҳолатлар кўз ўнгимда такрор гавдаланар экан, менга бир нарса тинчлик бермайди. Уларни бунга ким ёки нима мажбур қилди? Ахир яшаш учун пул топишнинг бошқа йўллари ҳам бор-ку!? Қандай дейсизми? Энг аввало, биз қўлимизга китоб олишимиз, илму маърифатдан хабардор бўлишимиз керак. Кейинчалик эса ҳаётда олдимизга қўйган мақсадимизга қараб ўз йўлимизни танлашимиз даркор. Ўқиб-ўрганиб, жамият учун керакли бўлган бирор-бир касбнинг эгаси бўлиб ҳам ўзимиз орзу қилган ҳаётни ҳақиқатга айлантира олишимиз мумкин.

Ҳозирда ёшларни худди бозордек ўзига чорлаётган компьютерлар ҳам ёшларнинг китоб ўқишга бўлган иштиёқини сўндираётгандай. Улар бўш вақтининг асосий қисмини китоб ўқиш билан эмас, балки компьютер олдида утказмоқдалар. Тўғри, компьютердан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Лекин ҳозирда кўпчилик компьютер ёнига айнан маълумот тўплаш ёки яхши мутахассис бўлиш учун келмаяпти. Уларни компьютердаги ҳар хил ўйинлар, кинолар кўпроқ қизиқтиряпти.

Бундаги фильмлар ҳам ёшлар онгининг шаклланишига жиддий тўсқинлик қиляпти. Улар бундай киноларни кўравериши натижасида фильмдаги воқеаларни айни ҳақиқатга айлантириб қўйишади. Ўзларини ҳам бунга ишонтира бошлашади.

Mulohaza

Бу каби кинолар чет давлатлар турмуш тарзига қанчалик тўғри келади билмадиму, лекин у ерда кўрсатилган воқеалар ҳозирда бизнинг дискотекаларда ўз аксини топмоқда.

"У ерга биринчи маротаба боришим эди. Табиийки, у ердаги ҳамма нарса мени ҳайратга солди. Қизларнинг ярим-яланғоч кийингани етмагандек, қўлларидаги сигарета ҳам менга уларни жуда хунук қилиб кўрсатди. Қизларнинг ёши 17—20 атрофида. У ерга бир марта бордим, борганда ҳам қайтиб бормайдиган даражада бўлиб қайтдим", деб ҳикоя қилади бир дўстим.

Юқоридаги сўзлардан кўриниб турибдики, дискотека ёшларни бузадиган жой. Энг ачинарлиси, ота-оналар дискотекадаги аҳвол қандайлигини била туриб, фарзандларининг у ерга боришига рухсат беришаётганидир. Ёшларни дискотека томон етаклаётган нарса нима?

Бойиш илинжида бозорларда юрган, бўш вақтини компьютер олдида ўйин ўйнаб беҳуда ўтказаётган, чет эл фильмларини кўриш оқибатида бирор кунини дискотекасиз тасаввур қилолмайдиган ёшларнинг тафаккури ўхшаш. Бу каби ёшларни тўғри йўлга солиш, уларга ўз фаоллиги билан ўрнак бўлиш нафақат катталарнинг, балки жамиятимизнинг чин эгалари бўлмиш билимдон ва зукко тенгдошларимизнинг ҳам вазифасидир.

Маъмурахон ҚУТЛИЕВА,
ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабаси

УЛАРНИ «УСТОЗ» ДЕБ БЎЛМАЙДИ

Ma'rifatsiz kishilar

Инсониятни таназзулга етакловчи гиёҳвандлик иллатини бартараф этиш борасида ақл-заковатли барча кишилар кураш олиб бораётган бир пайтда айрим зиёлиларнинг ҳам ушбу иллатни тарқатишга уринаётгани кишини таажжубга солади. Айниқса ўқувчисига сигарета чекма, нашадан узоқ юр, дейдиган ўқитувчининг салбий қилмиши "мулланинг айтганини қилу қилганини қилма" деган нақлга жуда ўхшаб кетади. Бўлмаса, Самарқанд вилоятининг Ургут туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида Янгиариқ ширкат хўжалигида яшовчи 35-мактаб ўқитувчиси 1961 йил туғилган М.Қаҳҳорова уйида 4 грамм героинни 100 АҚШ долларига сотаётган чоғида қўлга олинмаган бўларди.

Хоразм вилоятининг Шовот туманида ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида 1-ўрта мактаб ўқитувчиси Қ.Ортиқов ҳам бекорчи гумашталари Ё.Матчонова ва А.Саъдуллаевлар билан бирга ака-ука Мақсуд ва Бахтиёр Панаевлардан 25,83 грамм героинни 900 минг сўмга сотиб олганларида ушланганлар.

Албатта бу ҳолни гуруч курмаксиз бўлмайди, ўқитувчилар орасида ҳам шунақалари учраб туради-да, деб хаспўшлаш мумкиндир. Бироқ, ёш авлод тарбияси билан машғул бўлмиш мураббийларга бу салбий одатлар умуман ярашмайди.

Ш.РЎЗИЕВ,
милиция майори

Ma'lumki, yangi kadrlarni tayyorlash, ularni o'qitish, malaka va tajriba oshirishlari uchun ma'lum vaqt ajratish murakkab, davomli hamda o'ziga xos jarayondir.

Bolalar kelajakda chempion bo'ladilarmi-yo'qmi, muhimi jamiyatda o'z o'rnilarini topadilar, ma'nan hamda jismonan barkamol o'sib-ulg'ayadilar.

ИСРОИЛ ВА СУРИЯ МУНОСАБАТЛАРИ

Исроил давлати Сурияга қарши ҳаво ҳужумларини ўтказиши мумкин, агарда Сурия террорчилик лагерларининг фаолияти тўхтатилмаса ва у ердан чиқаётган ёвуз кучлар Исроил давлатининг хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган бўлса, деб таъкидлади Исроилнинг Россиядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Аркадий Мил-Ман.

Ҳозирда Сурия давлати ҳудудларида 10-11 га яқин ҳар хил террорчилик гуруҳлари мавжуд. Булар "Ислом жиҳоди", "Ҳамас" ва бошқалар. Бир неча ойлар аввал бизнинг давлатимиз бундай ҳаво ҳужумларини уюштирган эди. Аммо ушбу ҳаракатлар Сурия давлатига қарши эмас, балки террорчилик гуруҳлари ва террорчиларни тайёрлаш лагерларига қарши йўналтирилган», дея таъкидлаган Исроил элчиси. Исроил бош вазири Ариэл Шарон: "Биз бундай ҳужумларни қачон ва қайси вақт ўтказишимизни ҳеч кимга билдирмаймиз. Суриянинг террорчиларни қўллаб-қувватлаётгани эса салбий оқибатларга олиб келиши мумкин" дея айтиб ўтган. Бу ҳақда "Evronews" интернет сайти хабар берди.

ИРОҚНИНГ КИРКУК ШАҲРИДА КУЧЛИ ПОРТЛАШ

Ироқнинг Киркук шаҳрида жойлашган "Курдистон ислом ҳаракати" биноси олдида кучли портлаш содир этилди. Киркук Бағдоддан 225 км масофада жойлашган бўлиб, Ироқнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган шаҳарларидан биридир. Полиция маҳкамасининг хабар беришича, террорчиларнинг нияти айни ушбу бинони портлатиш бўлган. Натижада 1 киши кучли жароҳат олган. Бундан бир неча кун олдин эса, Киркук шаҳри губернатори Исмоил Хадидий ҳаётига суиқасд уюштирилган. Губернаторнинг автоуловига қараб номаълум шахслар томонидан ўт очилган. Губернатор ва унинг ҳайдовчиси оғир яраланган. Яна бир неча кун аввал Ироқни бошқариш кенгашининг аъзоси Сакулу Жабук хонимнинг автоулови ўққа тутилган. Машинанинг ичида унинг фарзандлари ва умр йўлдоши бўлган. Фақатгина бахтли тасодиф уларни ўлимдан сақлаб қолган. Бундай террорчилик хуружлари фақат янги Ироқ ҳукумати аъзоларига қарши эмас, балки собиқ Баас партиясининг аъзоларига қарши ҳам тез-тез уюштириб турилибди, деб хабар беради "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги.

ИСТАМБУЛДАГИ ПОРТЛАШЛАР

Туркиянинг "Radical" газетаси чоп этган мақолада Исроилнинг "Масад" разведка хизмати ва бошқа кўплаб давлатларнинг хавфсизлик хизматлари Туркия хавфсизлик хизматини бўлиб ўтиши мумкин бўлган террорчилик хуружлари ҳақида огоҳлантирган. Айниқса, Исроилнинг "Масад" разведка хизмати "Ал-Қоида" гуруҳи уюштириши мумкин бўлган террорчилик хуружлари ҳақида маълумотлар берган, деб ёзади газета. Ушбу газетанинг ёзишича, "Масад" разведка хизмати апрель ва сентябрь ойларида Истамбулдаги "Неве Шалом" сеногогаси ҳам террорчилар томонидан хуружга учраши мумкин, деган тахминлар берган.

Туркиянинг Исроилдаги элчисининг айтишига қараганда, бундай ахборотлар унинг қўлига келиб тушмаган. Портлашлардан сўнг "Al-Quds al Arabi" газетасига баъзи бир маълумотлар келиб тушган. Унга қараганда, бу портлашларни "Ал-Қоида" гуруҳи ўз бўйнига олган, деб хабар беради ушбу газета.

Ўша кунги икки яҳудий сеногогасининг портлатилиши натижасида 23 киши дунёдан кўз юмган ва 300 киши оғир тан жароҳати олишган. Туркия ички ишлар вазири Абдуқодир Оқсувнинг айтишича, ҳозирда текширув ишлари олиб борилмоқда. Аммо ҳозиргача олинган далилларга қараганда, портлашларда камикадзеларнинг қўли сезилмоқда.

Исроил ташқи ишлар вазири Силван Шалом якшанба куни Истамбулга етиб келди ва террорчилик хуружидан жабр кўрганларга ўзининг ҳамдардлигини билдирди, деб хабар беради "Evronews" интернет сайти.

СПИДГА ҚАРШИ ЯНГИ ДОРИ

СПИД касаллигига қарши янги дори Хитой ва Таиланд мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди. Синовлар шуни кўрсатдики, қадимги Хитой тиббиёти асосларида ўтлардан яратилган доривор ҳозирда ўзининг ижобий натижаларини кўрсатмоқда. Хитойда бўлиб ўтган VI шифокорлар анжуманида ушбу дорининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.



Янги дори фақатгина ёввойи ўтлардан тайёрланган ҳамда инсон иммунитетини тиклашга ва СПИД вируслари билан курашиш қобилиятига эга. Янгилик Таиланд дорихоналарида шу йилнинг ўзидаёқ сотила бошлайди, деб хабар беради "Интерфакс" ахборот агентлиги.

«ДУНЁ ГЎЗАЛИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ

Хитой ўз тарихида биринчи маротаба "Дунё гўзали — 2003" кўрик-танловини ўтказадиган бўлди. Хайнан оролининг Санья шаҳрига 120 нафар қизлар ташриф буюрдилар. Қизлар Хитойнинг шаҳарларини кўздан кечирадилар, урф-одатлари, тарихий қадриятлари билан танишиб чиқадилар. Кўрик-танлов 6 декабрда якунланади. Биринчи бўлиб "Дунё гўзали" кўрик-танлови 1951 йилда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтган эди, деб хабар беради "ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги.

Интернет хабарлари асосида
Сарвар ФАЙЗУЛЛАЕВ тайёрлади.

Hamkorlik

КАТТАЛАР ТАЪЛИМИ — ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ОМИЛИ

Мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, хусусан, мактабгача таълим босқичидан олий ўқув юртларигача бўлган даврни тўла қамраб олган узлуксиз таълим тизими — кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг жорий этилиши халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Ушбу соҳада Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга интилаётган хорижий таълим муассасаларининг сони ҳам тобора ортиб бормоқда. Немис халқ университетлари уюшмасининг халқаро ҳамкорлик институти (IIZ/DVV) шулар жумласидан бўлиб, мана бир йилдирки, мамлакатимизда самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Мухбиримиз мазкур ташкилот Марказий Осиё ваколатхонаси раҳбари жаноб Уве Гартеншлегер билан суҳбатда бўлди.

— Институтнинг мақсад ва вазифалари хусусида қисқача маълумот берсангиз?

— Институтимиз фаолияти ноанъанавий таълим соҳасига оид бўлиб, расмий таълим даргоҳлари, яъни ўрта махсус таълим муассасалари, мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ёки олий ўқув юртларини тамомлаган мутахассислар ўз ҳаётининг кейинги босқичларида ҳам таълим олиши, тобора ривожланиб бораётган жамият талабларига монанд билим ва малакаларини оширишлари учун имконият яратишга қаратилган. Шунингдек, турли сабаблар туфайли ишсиз қолган ёки ўз мутахассисликларини ўзгартиришга эҳтиёж сезган инсонларга кўмаклашиш ҳам фаолиятимизнинг муҳим йўналишларидандир. Бундай фаолият тури Европада умрбод таълим ёки катта ёшлилар таълими дея аталади.

Ушбу ғоя ўтган асрнинг ўрталарида пайдо бўлган бўлиб, урушдан талофат кўрган Германияни қайта тиклаш жараёнида иқтисодиётнинг турли соҳаларида малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёж туфайли шаклланди.

Маълумки, янги кадрларни тайёрлаш, уларни ўқитиш, малака ва тажриба оширишлари учун маълум вақт ажратиш мураккаб, давомли ҳамда ўзига хос жараёндир.

Мавжуд меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни қайта тайёрлаш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш моддий ва амалий саъй-ҳаракатларни тежаш билан бирга ишсизлик, ижтимоий таъминот билан боғлиқ қатор муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Шу асосда катта ёшлилар таълими, умрбод таълим ҳаёт давомида қўлланилиши керак, деган ғоя мустаҳкамланиб бормоқда.

Бугунги кунда институтимиз томонидан амалга оширилаётган ушбу фаолият тури Германиянинг барча ҳудудларида ҳуқуқий асосга эга. Бундан ташқари 30 йилдан буён халқаро миқёсда ҳам фаол иш олиб бормоқдамиз.

— IIZ/DVV нинг Марказий Осиёдаги ваколатхонасини очиш ғояси қандай келиб чиқди?

— Кейинги 10-15 йил мобайнида Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларида катта ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар рўй берди.

Сиёсий, мафкуравий тузумнинг ўзгариши, янги бозор муносабатларининг шаклланиши, демократик жамият тамойиллари ва бозор иқтисодиёти талаблари асосида мавжуд меҳнат ресурсларини қайта кўриб чиқиш, уларнинг малака ва кўникмаларини ошириш, янги ҳунар ва билимларни бериш зарратини юзага келтирди. Шу сабабдан бизнинг университет мазкур мамлакатлардаги ўтиш даври силсилалари зарбасини камайтириш мақсадида ишсизларга янги касб ва ҳунарларни ўргатиш орқали иш билан таъминлаш, мавжуд меҳнат ресурсларини янги замон талаблари асосида иш олиб боришга ўргатиш, улар малакасини ошириш масалаларида ёрдам қўлини чўзишга аҳд қилган эди.

Шу сабаб институтимизнинг Марказий ҳамда Шарқий Европа, Россия ва бошқа қатор мамлакатлардаги ваколатхоналари фаолият кўрсата бошлади.

Марказий Осиё мамлакатларига келсак, фаолиятимизга туртки бўлган асосий воқеа, шубҳасиз, 11 сентябрь фожеалари бўлди. Маълумки, ушбу машъум фожеадан сўнг терроризмга қарши курашнинг олд чизиғидан жой олган мазкур минтақа дунё диққат марказига кўчди.

Ўша кезларда Германия ҳукумати турли немис ташкилотлари ҳамда муассасаларини минтақа мамлакатлари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга чақирганди. Институтимиз ҳам мана шу даъватга ижобий муносабат билдирган ҳолда, ушбу минтақага кириб келди.

Ҳозирда ваколатхона Тошкентда жойлашган Бош қароргоҳи орқали минтақанинг турли мамлакатларида катта ёшлилар таълими ва умрбод таълим соҳаларида иш олиб бораётган муассаса ва нодавлат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

— IIZ/DVVнинг Ўзбекистондаги фаолияти, ҳамкорларингиз, амалга оширган лойиҳалар хусусида сўзлаб берсангиз.

— Институтимизнинг Ўзбекистондаги фаолияти 2002 йилнинг августидан бошланди. Ушбу қисқа фурсат мобайнида Ўзбекистонда катта ёшлилар ва умрбод таълим ғоясини оммалаштириш, ишсизларни қайта тайёрлаш ҳамда бозор иқтисодиёти шароитида керак бўладиган турли соҳа мутахассисларини тайёрлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистоннинг турли вилоятларида жойлашган 7 та коллежлар базасида ишсизларни қайта тайёрлаш дастурларини амалга оширмоқдамиз.

Қатор ўқув марказлари қошида компьютер ҳамда тўқувчилик мактабларини ташкил қилдик, чет тилларини ўргатиш курсларини йўлга қўйдик. Бухорода кичик туризм муассасалари билан ушбу истиқболли соҳани ривожлантириш, соҳа учун малакали мутахассисларни тайёрлаш лойиҳаси устида иш олиб бормоқдамиз. Андижон шаҳрида ишга тушган марказимиз маҳаллалар билан бирга ишсизларни қайта тайёрлашга ҳам киришяпти. Фаолиятимиз Ўзбекистон Республикасининг манфаатдор идоралари томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирликлари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланган.

— Ўзбекистонда таълим тизимидаги ислоҳотлар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Хусусан, мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг миллий асосида янги ўрта махсус, касб-ҳунар таълим тизими жорий этилди. Сиз ушбу тизим ҳақида нима дея оласиз?

— Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида ёшлар таълими, касб-ҳунар эгаллашига катта эътибор қаратаётган мамлакатдир. Буни энг оқил сиёсат деб ҳисоблайман. Давлат тақдири, халқ равнақи шунга боғлиқ экани ҳеч кимга сир эмас.

Биз Ўзбекистонда яхши йўлга қўйилган узлуксиз таълим тизимининг гувоҳи бўлдик.

Шу ўринда, Ўзбекистондаги ривожланиш жараёнлари, саноат ҳамда иқтисодий имкониятларни тўла ишга солиш зарурати мажбурий таълимдан кейинги босқич — катта ёшлилар таълими ҳамда умрбод таълимга эътибор қаратиш масаласини келтириб чиқаради.

Бу нафақат иқтисодий фаровонликни юзага келтиришга, балки сиёсий зиддиятлар ҳамда ижтимоий муаммоларни бартараф этишга ҳам ёрдам беради.

Мамлакат аҳолисининг аксарият қисмини ёшлар ташкил этиши, ҳукуматингизнинг таълим масалаларига қаратаётган эътиборини ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг истиқболи порлоқ эканига умид билдираман.

Ф.КАРИМОВ суҳбатлашди.

ГЕРМАНИЯДА УМУМИЙ ТАЪЛИМ

Германия деганда беихтиёр яраклаб турган "Mersedes", "BMW" каби автомобиллар ёки энг қулай ва замонавий "Siemens" уяли телефонлари ёхуд "ADIDAS" фирмасининг чиройли спорт кийимлари кўз олдимизга келади. Ҳа, Германия бугунги кунда АҚШ, Япония, Франция каби жаҳоннинг юксак тараққий этган мамлакатлари билан бир сафда туради, иқтисодиётнинг айрим соҳалари бўйича ҳатто улардан устун. Мамлакатнинг бу қадар иқтисодий фаровонлик ва сиёсий барқарорликка эришувида таълимнинг, хусусан унинг дастлабки ва айни пайтда муҳим бўғини ҳисобланадиган умумий таълимнинг ҳам салмоқли улуши бор, албатта. Агар сиз Германиядек бой ва илғор давлатда таълим тизими қандай, немис ёшлари қай тартибда билим оладилар, деган саволларга жавоб олмоқчи бўлсангиз, бир оз диққат қилинг.

Немис болалари олти ёшда бошланғич мактаб остонасига қадам қўйиб, одатда бу ерда тўрт йил ўқийдилар. Берлин ва Бранденбургда бу муддат олти йилни ташкил қилади. Дастлабки икки йил давомида ўқувчиларга баҳо қўйилмайди, балки уларнинг ўзлаштириши тўғрисида умумий тавсифнома берилади. Шундан сўнг ўқувчилар умумий ўрта мактабнинг иккинчи босқичига ўтказилади.

Германияда 5-6-синфда ўқувчилар диққат билан кузатилади, чунки мутахассислар боланинг иқтидори шу ёшда айниқса, яққол намоён бўлади ва унинг келажакда мураккаб фанларни қай даражада ўзлаштиришини аниқлаш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Бошланғич мактаблар битирувчиларининг 20 фоизга яқини (1999-2000 йиллардаги маълумотга кўра) асосий мактабга ўтадилар. Асосий мактабда ўқувчиларга аввало немис тили, математика, табиийёт, жамиятшунослик, чет тиллари (асосан инглиз тили)дан сабоқ берилади. Кўпчилик асосий мактабда беш-олти йил ўқигач, корхоналарда ишлаш учун зарур касбий таълим олишни маъқул кўради.

Умумий таълим берувчи яна бир муассаса реал мактабдир. Реал мактаб асосий мактаб ва гимназия оралиғидаги бўғин бўлиб, унда кенгайтирилган умумий таълим берилади. Қоидага мувофиқ, бу ерда ўқиш муддати олти йил (5-синфдан 10-синфгача)га чўзилади ва битирувчилар таълим олишни бошқа ўқув муассасаларида, масалан махсус ҳунар билим юртлари ва техникумларда давом эттириш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларга эга бўладилар.

Германияда гимназиялар тўққиз йил мобайнида чуқурлаштирилган умумий таълим бериш билан шуғулланади. Гимназиянинг юқори синфлари (11-13-финфлар, айрим федерал ерларда 10-12 ёки 11-12 синфлар)да таълим бериш, худди олий ўқув юртларидагидек курс тизими асосида йўлга қўйилган. Фанлар тил-адабиёт, ижтимоий-илмий, математика-табиий-техник каби йўналишларда ўқитилади. Етуклик аттестатини олиш учун имтиҳон топширадиган гимназист ана шу уч йўналишдаги фанларни ўзлаштирган бўлиши лозим. Мажбурий фанлар сирасига шунингдек, илоҳиёт ва жисмоний тарбия ҳам киритилган. Синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари тўрт асосий фан бўйича топширилади. Гимназия битирувчиларига ўрта маълумот тўғрисидаги учинчи даражали гувоҳнома берилади ва бу гувоҳнома билан олий ўқув юртида, хоҳлаган йўналишда таълим олиш мумкин бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўрта маълумот тўғрисида учинчи даражали гувоҳномага эга бўлиш олий ўқув юртига қабул қилишнинг зарурий шартидир. Абитуриентлар сонининг кўплиги, олий ўқув юртларида ўринларнинг камлиги туфайли айрим факультетларга қабул қилишда муайян чеклашлар мавжуд. Бўлажак талабаларни саралашда олий ўқув юртларида етуклик аттестатидаги ўртача балл миқдорига ҳамда аттестат берилган кундан бошлаб унинг олий ўқув юрти қабул комиссиясига тақдим этилишига қадар ўтган муддат эътиборга олинади. Агар бу муддат қанча қисқа бўлса, абитуриент касб танлашда ва ўқиш жойини белгилашда қатъий қарорга келганлигини кўрсатади.

Germaniya da ta'lim

Германияда ўрта мактабнинг юқоридагилардан ташқари, қўшма мактаб деб аталувчи кўриниши ҳам мавжуд. Уларда, асосан 5-10- синфлар таълим оладилар. Айрим қўшма мактабларда гимназия тарзида ташкил қилинган юқори синфлар бор. Педагогик ва ташкилий жиҳатдан қўшма мактаб асосий мактаб, реал мактаб ва гимназия элементларини ўзида мужассамлаштиради. Математика, биринчи чет тили, немис тили, химия, физика сингари мустақил фанлар 7-синфдан бошлаб курс тизими асосида ўқитилади.

Ногирон болалар ва ақли заифлар учун махсус мактаблар ташкил этилган.

Айни пайтда бирор жойда ишлайдиган, турли сабабларга кўра ўрта маълумот ололмаган катта ёшдагилар учун кечки гимназиялар ва реал мактаблар фаолият кўрсатади. Уларни тамомлаганлар ўрта маълумот тўғрисида иккинчи даражали гувоҳнома ёки етуклик аттестатининг соҳиби бўладилар ва улар учун олий ўқув юртларининг эшиклари очилади. Катта ёшдаги ишсиз фуқаролар етуклик аттестатини олиш учун махсус курсларда ўқиб, имтиҳон топширадилар.

Ойбек МЎМИНОВ,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

БАНГКОКДА «ОБ-ҲАВО» ЯХШИ

Душанба оқшомини ўзбекистонлик футболсеварлар интиқиб кутишди. Сабаби оддий — шу куни юртимиз терма жамоаси "Хитой—2004" йўлидаги иккинчи довондаги дастлабки учрашувни ўтказди. Қўшниларимиз — Тожикистон миллий терма жамоасининг Тошкентдаги ўйинларини эслаб, қолаверса, Европа чемпионлар лигасида иштирок этаётган легионерларимизсиз "бизники"лар қандай ўйнайди, деган ҳадик йўқ эмасди. Лекин барчаси кўнгилдагидай кечди. Мазкур ўйинда "дубл"га эришган В.Шишелов 4-ўйиндаги олтинчи голини рақиб дарвозасига киритган бўлса, Л.Кошелев ва Г.Копадзеларнинг голи қўшниларимизнинг йирик мағлубиятини "таъминлади": Ўзбекистон — Тожикистон — 4:1.

Тошкентдан қуруқ қайтишга мажбур бўлган Таиланд эса Гонконг билан учрашувга бор кучини ташлади — 4:0.

Ҳозирча Ўзбекистон терма жамоаси учун Бангкокда "об-ҳаво" яхши. Бугун иккинчи босқичнинг иккинчи тур учрашувлари ўтказилади: Ўзбекистон—Гонконг, Таиланд—Тожикистон.

Жадвал қуйидаги кўринишда:

Ўзбекистон	4	3	1	0	11-2	10
Тожикистон	4	1	2	1	2-4	5
Гонконг	4	1	1	1	3-9	4
Таиланд	4	1	0	3	5-6	3

Шерали НИШОНОВ

ЁШ ПОЛВОНЛАР БАҲСИ

Марказий ҳарбий спорт клубида 1983-87 йилларда туғилган ёшлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича тўрт кун давом этган беллашувлар ниҳоясига етди.

Тошкент шаҳри кубоги учун уюштирилган мазкур очиқ анъанавий халқаро беллашувда республикамизнинг Фарғона, Андижон, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Наманган шаҳарлари ҳамда Қозоғистоннинг Чимкент, Тараз шаҳридан 150 нафар ёш полвон гиламда ғолиблик учун курашди.

Саккиз хил вазн тоифасида муросасиз курашлар натижасида чемпион ва совриндорлар аниқланди. 50 кг вазн тоифасида фарғоналик Илшот Рафутдинов, 55 кг вазн тоифасида самарқандлик Акбар Кўзиев, 60 кг вазн тоифасида бухоролик Баҳодир Имомов, 66, 74, 84 ва 90 кг.лик вазн тоифаларида тошкентлик Зиёдулло Абдуллаев, Сервер Зульбис, Денис Здориков, Акбар Жўраев, 120 кг вазн тоифасида чимкентлик Аусхан Мирзаалиев шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Ўзбекистон "Ёшлик" КСЖ вакилларидан совринли учинчи ўрин соҳиблари Аслиддин Луқмонов (Тошкент) ва Рустам Бобоёров (Навоий)спорт устаси нормативларини бажарди.

Мусобақа ғолиблари ва совриндорларига тегишли даражадаги диплом ва учрашув ҳомийси, спорт устаси Қаҳрамон Кабировнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Ғ.МАННОПОВ

ТАЭКВАНДО БОЛАНГИЗНИ ТАРБИЯЛАЙДИ



Ёш авлоднинг баркамол вояга етишида спортнинг муҳим ўрни бор. Шу сабабли ота-оналар ўз фарзандларини турли спорт тўгаракларига олиб бормоқдалар. Тошкентдаги "Жар" спорт иншоотида ҳам таэквандо тўгараги фаолияти тобора ривожланмоқда. Ушбу тўгарак мураббийси, бир неча бор Ўзбекистон чемпиони Дилшод Юсуповни суҳбатга чорладик.

— Гуруҳингизда турли ёшдаги болалар, ҳатто қизлар ҳам бор экан.

— Албатта, гуруҳимизда тўрт ёшдан балоғат ёшигача бўлган ўғил ва қиз болалар шуғулланишади. Ҳозирги вақтда 150 нафар шогирдим бор. Улар орасида "Жар" чемпионлари, Тошкент ҳамда Ўзбекистон бўйича бир неча марта чемпион бўлган ўқувчиларим бор. Уларнинг барчаси истеъдодли, мактабда ҳам намунали билимга, ҳулққа эгалар.

— Демак, спорт нафақат чиниқтиради, балки тарбияга ҳам таъсир кўрсатади. Айтингчи, болалар учун тўланадиган бадал пули қандай мақсадларда ишлатилади?

— Ҳар бир ўқувчидан тушган ойлик бадал спорт анжомлари сотиб олишга, тадбирлар ва таъмирлаш ишлари учун сарфланади. Буни ўқувчилар ва ота-оналар яхши тушунадилар. Ахир бола кўча-кўйда бекор юргандан кўра ҳам соғлигини яхшиласа, атрофидаги баъзи зўравонлардан ҳимояланиш учун ўзини чиниқтирса, яхши эмасми?

— Ўқувчиларингиз орасида туғма нуқсонли болалар ҳам бор экан. Улар қийналиб қолишмайдими?

— Аксинча, уларни қабул қилаётганимизда ўзларини ноқулай сезиб, тенгдошларига қўшилолмай туришарди. Мана ҳозир кўриб турибсиз, уларга қўшилиб анча тетик, руҳан ўзларини кучлироқ кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда. Фурсатдан фойдаланиб, ота-оналарга айтардимки, фарзандингиз айни онги ривожланаётган дамда вақтингизни аяманг, албатта спортга жалб қилинг.

Ҳа, албатта, спорт инсонни бардошли, иродали, ҳаётга қизиқувчан киши қилиб тарбиялайди. Буни биз Дилшод Юсуповнинг шогирдлари тимсолида, уларнинг машқ мобайнидаги шижоатли ҳаракатларида кўрдик. Болалар келажакда чемпион бўладиларми-йўқми, муҳими жамиятда ўз ўрниларини топадилар, маънан ҳамда жисмонан баркамол ўсиб-улғаядилар.

Ш.МАДРАҲИМОВА

Meni ushbu maqolani yozishga undagan narsa ana shu "yulduz" so'zining bugungi mezoni bo'ldi. Nazarimda, bu so'zning vazni keyingi yillarda shu darajada engillashib ketdiki, hayratdan yoqa ushlaysan.

Har yigirmanchisi esa okulist qabuliga umuman kelmagan. So'rovnomada ishtirok etganlarning aksariyati, haydovchilar albatta ko'zlarini tekshirtirib turishi kerakligini tasdiqlashadi.

КУНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

Дам олиш саҳифаси

«ЮЛДУЗ»ЛАР ЖИЛОСИ

Mulohaza

Талабалик давримда бир гуруҳ ижодкор ёшлар машҳур шоира, халқимизнинг ардоқли қизи Зулфияхоним суҳбатларидан баҳраманд бўлиш умидида у кишининг Дўрмондаги ҳовлиларига бордик. Бизни устознинг қизлари Ҳулкар опа кутиб олдилар ва бир неча дақиқа ҳовлида "салом-алик" давом этди. Мен ҳам ёнимдагилар қатори жуда ҳаяжонда эдим. "Дунёдаги жуда кўп мамлакатларга донғи кетган, ўнлаб китоблари нашр этилган, катта минбарлардан туриб ўзбек шеъриятини оламга танитган шоира бизни назарига илармикан, биз билан суҳбатлашишни ўзларига эп кўрармикан?" деган ҳадик йўқ эмасди дилларимизда.

Аммо Зулфия опа уйдан чиқиб келганларидан кейин тамоман ўзга ҳол юз берди. У киши шунчалар самимий, камтар, беозор эдиларки, биз ёшлар лол бўлиб қолдик. Зулфия опа биз билан дилдан суҳбатлашди. Ўша кунлари нашрга тайёрлаётган китоблари хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди. Биз ўшанда "буюклик — соддаликда" деган иборанинг нақадар тўғри эканлигига иқрор бўлиб ҳамда ўзбек шеъриятининг ёрқин юлдузи бўлган Зулфияхонимнинг фазилатларини юрагимизга бир умрга муҳрлаб қайтгандик...

Мени ушбу мақолани ёзишга ундаган нарса ана шу "юлдуз" сўзининг бугунги мезони бўлди. Назаримда, бу сўзнинг вазни кейинги йилларда шу даражада енгиллашиб кетдики, ҳайратдан ёқа ушлайсан.

"Санъат юлдузи", "адабиёт юлдузи", "кино юлдузи" каби ибораларда юлдуз сўзи ўша соҳанинг чарақлаб кўзга кўринган вакили, унинг ривожига салмоқли ҳисса қўша олган шахс маъносида қўлланади, менимча. Бугунги матбуот саҳифаларидаги, радио ва телевидениедаги "юлдузлар" жилосидан эса бошинг айланиб, кўзинг тиниб кетади.

Ёшгина ижодкорнинг 2-3 та китоби чиқиб, у юлдуз мақомига эришяпти ёки 2-3 та қўшиғи оммалашган санъаткорга юлдузлик даражаси «туҳфа» қилиб юбориляпти. Ахир у бироз меҳнатда, ижодда тоблансин, том маънода эл назарига тушсин, ана ундан кейин юлдузлик супасига интилсин-да.

... Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир каби адабиёт юлдузлари ҳақ сўзни айтиб, жонларини фидо қилиб ўзларидан ёруғ из қолдирганлар. Олим Хўжаев, Аброр Ҳидоятов, Раззоқ Ҳамроев, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов сингари ўнлаб санъат юлдузлари шуъласи ҳамон халқимизнинг юрагида порлаб турибди. Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

Хўш, бугунги "юлдуз"лар бирор ўлмас қўшиқ, шеър ёки саҳнада ўз "Отелло"си, "Навоий"си, "Гули"си, "Шоҳ Эдип"ини ярата олдими? Бу иддаолардан мурод "Хўш, улар ўзларини ана ўша эл эъзозидаги юлдузлардек тутяптиларми?" деган саволга жавоб излашдир.

Радио эшиттиришларидан бирига ёш хонанда таклиф этилди. Мулоқот тарзидаги суҳбатда радиотингловчилардан бири фалон қўшиғингиздан хиргойи қилиб берсангиз, деб илтимос қилди. Хонанда нима дейди, денг?!

— Ҳозиргина студиядан чарчаб келдим, бунинг устига соғлигим бироз яхши эмас, ҳозир қўшиқ айтиб беролмайман (!)

Нима бу миллионлаб радиотингловчилар устидан кулишми?! Йўлига бўлса ҳам, икки қатор хиргойи қилиб қўйиш мумкин эди-ку! Бунга тайёр эмас экан, нима қиларди эфирга чиқиб?! Хонанданинг асосий вазифаси ҳам, бойлиги ҳам қўшиқ қуйлаш иқтидори эмасми?!

Ахир, Маъмуржон Узоқов халқ кўз ўнгида куйлаётиб, қўшиғининг авж пардасида жон берган-ку. Охунжон Мадалиев юракдан берилиб куйлаш соғлигига тобора зиён келтираётганини билиб туриб, қўшиқ айтмай туролмади, элининг раъйини қайтаролмай ҳаётдан бевақт кўз юмди-ку...

Масаланинг моҳиятига жиддий эътибор берадиган бўлсак, ортиқча мақтовлар, кўтар-кўтарлар ёш ижодкорларни худбин, такаббур қилиб **қўймаяптими?** Эрта келган шон-шуҳрат шабадаси ҳали мева тугиб улгурмаган гулларни учириб кетмаяптими? Айниқса, қўшиқчилик соҳасида "юлдузлик" касали илдиз отиб кетди. Натижада сезиб-сезмай миллий қўшиқчилигимизнинг азалий илдизларидан узоқлашиб боряпмиз. "Оз бўлсину соз бўлсин" деган ақида бу соҳадан умуман суриб чиқарилди. Сон кетидан қувиб, сифати борган сари сийқалашиб боряпти.

— "Костюмидан маҳкам тут" ёки:

— "Игнадан ип ўтмаса, Кўз нечун даркор экан?" ёхуд:

— "Аразламанг, вой-бў, мунча аразладингиз?" — дея баралла куйлаяпти ёшларимиз. Энг ачинарлиси, бундай қўшиқлар тезда оммалашиб, тингловчининг савиясини бирданига 5-10 поғона тушириб юборяпти.

Ёшлар ижодини чеклаб қўйиш керак, демоқчи эмасмиз. Аксинча, уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, чинакам истеъдодларни рағбатлантириш баробарида уларни тўғри йўлга солиш, ижод машаққатига кўниктириб бориш, ўз ишига енгил-елпи қарамасликка ўргатиш, ўз-ўзига талабчанликни тарбиялаб бориш зарур. Қолаверса, эфирга чиқиш масъулиятини кескин ошириш керак.

Ёш ижодкорлар, санъаткорлар орасида ҳақиқий юлдуз бўладиганлари умуман йўқ, деган фикрдан жуда йироқмиз. Ёш шоира Гулжамол Асқарованинг шеърларини давраларда йиғлаб тинглаганларининг гувоҳи бўлдим. Хонанда Севара Назархон "Ватаним" деб куйлаганда, бутун ўзбек халқининг юраги ларзага келди. Унинг бугунги кунда эл севган санъаткор Юлдуз Усмонова изидан бориб, дунё саҳналарида куйлаётгани бежиз эмас, албатта.

Шу ўринда бир мулоҳазани ўртага ташламоқчиман. Кейинги пайтда қўшиқчилик майдонида ур-йиқит билан шундай бир тўлқин кириб келдики, бир гуруҳ устоз санъаткорларимиз секингина ўзларини четга олдилар. Айримлари эса ўзлари сезиб-сезмай ўша тўлқин ичида юргандек, назаримда. Ана шу ҳар икки тоифа иқтидорли санъаткорларга ҳам мурожаат қилмоқчи эдим. Бундай ҳаракат билан аллақачон кўп нарсани бой бериб қўйдик. Бугунги авлод ёшларининг аксарияти фақат енгил-елпи қўшиқ эшитади, ундан завқланади. Минг афсуски, улар мумтоз қўшиқларимиздаги илоҳий куч-қувватни ҳис этиш бахтидан бебаҳра қоляптилар. Шу билан бирга уларнинг ҳаётга муносабатлари ҳам ана шундай ғариб тус оляпти. Ҳали ҳам кеч эмас. Ҳечдан кўра кеч яхши деганларидек, ёшларимизнинг маънавий жиҳатдан шаклланишида ўткир қуролга айланган қўшиқчилик санъатини таназзулдан сақлаб қолиш чораларини излаш керак. Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?!

Маърифат ҚОСИМОВА,
Андижон давлат тиллар педагогика институти ўқитувчиси

ЁШЛАР ТУРМУШГА ТАЙЁРМИ?

Fikr

Ҳозирги ёшларнинг билимдонлиги, зукколиги, чет тилларига қизиқувчанлиги кишини хурсанд қилмоқда. Айниқса, бозор муносабатларига ўтиш, дунё иқтисодиётига интеграция қилинаётган бир пайтда ёшларнинг иқтисодий ва сиёсий онги юксалиши қувонарли ҳолат. Йигит ва қизларнинг юқори дид билан кийиниб юриши, ўзининг ташқи кўринишига алоҳида эътибор бериши ҳам ҳозирги замон талаби.

Буларнинг ҳаммаси, албатта, ижобий омиллардир. Аммо, масаланинг иккинчи тарафи ҳам ўз аксини кўрсатиб қўймоқда. Ёшларнинг баъзилари ўз ҳаётини назаримда, иқтисодий ҳисоб-китоблар карра-жадвалига айлантириб юборишяпти. Айниқса, умр савдоси масалаларига келганда, бу ҳолат кўпроқ сезилиб қолмоқда. Ёшлар ўз умр йўлдошларини қандай анъаналарга риоя қилган ҳолда танлашаяпти? Бундай савол билан кўплаб дўстларимга мурожаат қилдим ва аксариятидан «яхши жойдан бўлса яхши-да» деган жавобни олдим. Хўш яхши жой, бу қандай кўрсаткичларга эга ва қандай меъёрларда ўлчанади? Уларнинг фикрича, «яхши жой», бу ниҳоятда бой хонадон, йигит ёки қизнинг ота-оналари катта лавозимлар эгалари бўлмоғи керак эканлиги...

Албатта, ҳаммамиз ҳам яхши ҳаёт кечиришни, тўқ ва соғлом бўлишни истаймиз. Лекин, буларнинг бари бировнинг ҳисобига бўлиши тўғримми, деган савол туғилади. Ўртоқларим орасида чет элларда ўқиганлари кўп. Улардан «Европада бу борада ёшларнинг фикри қандай» деб сўрадим. Европа ёшлари ниҳоятда тиришқоқ ва ўз кучига ишонувчан эканлар. Улар имкон қадар вақтлироқ ота-онанинг қарамоғидан чиқиб кетишга ва ўз кунларини ўзлари кўришга ҳаракат қилишади, турмуш масаласига келсак, ёшлар оила қуриш учун ўзлари маънавий ва моддий томонлама узоқ тайёрланишади. Умр йўлдошларини танлаётганда эса аксарияти юракларига қулоқ тутишар экан.

Хўш, бизнинг улардан нимамиз кам? Нега турмуш қуриш жараёнида қиз ёки йигитнинг моддий бойлиги маънавий бойлигидан устунроқ турмоқда? Ахир, ота-оналаримиз ҳам бир-бирларини топишганда бойликка эмас, беғубор, тоза муҳаббатга суянишган-ку. Турмуш аравасини бирга, баравар елкама-елка тортиб, қийинчиликларни енгиб ўтишга эришишган. Балки, шунинг учун уларнинг турмушлари мустаҳкам ва барқарор бўлгандир. Балки, шунинг учун улар бир-бирларига садоқатли, ниҳоятда қадрлидирлар.

Мактабда меҳнат фанидан дарс берадиган ўқитувчимиз, «ишлаб топилмаган бойлик бахт келтирмайди», деб айтардилар. Бу сўзларни ҳамиша ёдимда сақлашга ҳаракат қиламан. Ҳақиқатга тик қараш керак. Ҳозирда кўплаб ёш оилалар бузилиб кетмоқда. Баъзи бир никоҳлар эса тўртбеш ойга ҳам дош бермаяпти. Бунинг сабаби бойликка ҳаддан ташқари ҳирс қўйишдами ёки қийинчиликларга, турмушнинг муштига бардош беролмасликдами?

Бу саволларга тенгдошларим турлича жавоб беришмоқда. Йигитлар қизларни, қизлар эса йигитларни ҳаётга енгил-елпи қарашда айблашяпти. Тўғри, ҳаёт давомида ёшлар тажрибасизлик қилиб хатоларга йўл қўйиши мумкин. Аммо ота-оналар-чи? Айрим ҳолларда ўз фарзандларининг никоҳларини иқтисодий ва сиёсий ўйинларга айлантириб юборишмаяптимикан? Бундай ҳолатларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз-ку?! Ёшларнинг кўнглига қарамай, яхши жой экан ёки дўстимнинг ўғлига ваъда бериб қўйганман, жуда бой оила, шунга тегасан, пичоғинг мой устида бўлади, деб гулдек қизларини бахтсиз қилаётган ота-оналар йўқ дейсизми ҳаётда?!

Ушбу муаммога, албатта, объектив нуқтаи назардан қарашимиз лозим. Ёшларнинг ичида эса ўзларига ниҳоятда бино қўйган, аслида эса, турмуш қургандан сўнг қўлларидан ҳеч вақо келмаслигидан ўзлари ҳам уялиб қолаётганлари кўплаб учрамоқда.

Бир қатор қизлар турмушга чиқиш фақатгина гўзал оқ кўйлакка бурканиш холос, кейинчалик эса бошга тушганни кўз кўрар, зайлида фикр юритишмоқда. Баъзи йигитлар эса ёш уйланиб, оилани қандай тебратишни билмай ҳайрону сарсон бўладилар.

Бу ҳолатлар янги қурилаётган оилаларни боши берк кўчага киритиб қўяди. Албатта, ҳамма ҳам яхши ниятда тўй қилади. Ёшлар бахтли бўлишсин дея дуолар қилишади. Умр савдосида эса таваккал қилмоқ қандай кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши ҳаётдан маълум. Буни «умр савдоси» дейдилар. Шундай экан, нафақат ёшларимиз, балки уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари ҳам бу борада жиддий ўйлаб кўришлари лозим, назаримизда.

Сарвар ФАЙЗУЛЛО

Xullas...

ТЎҒРИ ВА НОТЎҒРИ ФИКР

Ҳар ўн ҳайдовчидан бирининг кўриш қобилияти ёмонлиги, рулга кўзойнаксиз ва контакт линзаларисиз ўтириши нафақат ўзига, балки бошқаларга ҳам хавф туғдирар экан.

Бу — швейцариялик суғуртачиларнинг 675 нафар ҳайдовчига тарқатган сўровномаларидан сўнгги хулосаси. Уларнинг ҳар тўртинчиси кейинги икки йил мобайнида кўриш органларини текширтирмаган. Ҳар йигирманчиси эса окулист қабулига умуман келмаган. Сўровномада иштирок этганларнинг аксарияти, ҳайдовчилар албатта кўзларини текширтириб туриши кераклигини тасдиқлашади.

Йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига нафақат ҳайдовчилар, балки йўловчилар ҳам айбдор эканлигини эсладиган бўлсак, юқоридаги фикрлар ҳақида ўйлаб кўриш жоиз.

ТУМОВДАН СЎНГ ЎЗГАРИШ

Франциянинг жанубий департаментларидан бирида яшовчи Поль Жослен грипп билан оғриб қолди ва танасида тушунарсиз ўзгаришлар содир бўлди.

Ҳафта мобайнида унинг тана ҳарорати 39-40 даражадан тушмади. Қаттиқ бош оғриғи ҳам азоб берарди. 33 ёшдаги эркакнинг оҳ-воҳи чидаб бўлмас даражада бўлиб, энг қизиғи қуюқ малла ранг сочлари оқара бошлади. Поль тўлиша бошлади ва икки ҳафтадан сўнг сочлари аввалги рангига қайтди. Яна тўрт кун ўтиб, сочининг ранглари тўлиқ ўз рангига қайтди. Танасида эса илгари бўлмаган сепкиллар пайдо бўла бошлади. Шифокорлар бу воқеанинг сабабини билолмай, елка қисишмоқда, деб ёзади Францияда чиқадиган «Пуркуа па» журнали.

БРИТАНИЯЛИК ЙОГ

Британиялик Гарри Рипли европаликлар ҳам йог бўлиши мумкинлигини исботлади. У мих қоқилган тахта устида 1 соатдан зиёдроқ вақт ётди. Шундай ётса-ку майли-я, кўкраги устига 134,69 килолик 26 та кичкина-кичкина бетон парчаларини қўйиб, томошабинларни қойил қолдиришга муваффақ бўлди. Томошабинлар ва ҳакамлар ҳайъати бу манзаранинг нима билан тугашини кутмоқда эди.

Белгиланган муддатда Рипли ҳеч нарса бўлмагандек ўрнидан турди, деб хабар беради «Дейли телеграф».

ana shunaqa gaplar

ҚУВНОҚ ХАНДАЛАР

Бир куни жаноб Шольц уйга жаҳли чиққан ҳолда кириб келди ва тушлик қилишга ўтирди. Унга ҳеч нарса ёқмас эди. Гоҳ шўрва иссиқ, гоҳ совуқ, деб жаҳли чиқаверди. Кейин эса шўрвани қозони билан кўтариб очиқ турган деразадан улоқтириб юборди.

Буни кўрган хизматкор ҳам бирдан тутоқиб кетди ва стол устига қўймоқчи бўлиб турган гўштни деразадан ховлига қараб улоқтирди. Шундан сўнг нонни, винони ва охири дастурхонни ҳам ховлига отиб юборди.

Шунда Шольц:

— Бу нима қилганинг, нобакор! — деб қичқирди.

— Агар фикрингизни нотўғри тушунган бўлсам бир қошиқ қонимдан кечинг, хўжайин. Мен сизни ховлида овқатлантирмоқчи эдим, деб ўйлабман, — совуққина жавоб берди хизматкор.

* * *

— Келлерманникига меҳмондорчиликка боргим келмаяпти! — деди Бернд дўстига.

— Нималар деяпсан. Биз албатта боришимиз керак. Агар бормасак, унинг қандай хурсанд бўлишини тасаввур қиляпсанми?

* * *

Биология дарсида ўқитувчи сўради:

— Агар мен қўлимни мушт қилсаму ва бирортаси билан бокс тушсам, қайси мускулларим фаолроқ ишлайди?

Охирги ўриндиқдан:

— Менинг қулоқ мускулларим! — деган жавоб келди.

ВОВУЛЛАЙДИГАН КУЧУКЛАР

Кичкинтой Паул отаси билан бирга сайрга чиқди. Тўсатдан олдиларидан вовуллаганча бир ит чиқиб қолди. Паул қочмоқчи бўлиб турганида, отаси унга далда берди: "Ҳеч ҳам қўрқма, чунки вовуллайдиган итлар тишламайди". Кичкинтой Паул эса "Агар у вовуллашдан тўхтаса-чи?" дея сўради отасидан.

МАСОФА САҚЛАШ

— Ҳой Петер, нега бу болага тош отяпсан? — сўради она Петрдан.

— Қаттиқ йўталаётганини кўриб яқинлашишига йўл қўймаяпман! — жавоб берди Петр.

ҒОЛИБ

— Уканг қани?

— Касалхонада!

— Унга нима бўлди?

— Биз ким деразадан пастга кўпроқ эгила олиш бўйича мусобақа ўйнагандик. Бунда у ютиб чиқди.

ҲАРФМА-ҲАРФ ТУШУНИШ

Кичкинтой Фритц дори сотувчидан, "Пашшаларга қариши дори борми?" — деб сўради. "Қанча керак?" деди сотувчи. Кичкинтой Фритц буни болаларча тушуниб: "Мен уларни санаб чиққаним йўқ", деб жавоб берди.

ТОПАҒОН

— Амаки, бурнингизнинг учи нима учун қип-қизил?

— Бу барчаси тақдир таёқларидан пайдо бўлган болажоним.

— А, демак таёқ доим бурнингизга келиб тушган экан-да.

«ЎЗИМГА КЕРАК»

Кичкинтой Фритц трамвайда кетарди. У тумов бўлганидан доимо бурнини тортиб қўярди. Бир муддатдан сўнг ёнида ўтирган кимса ундан, "Айтчи болакай рўмолчанг борми?" — деб сўради.

— Бор, бор, — лекин у ўзимга ҳам керак, — деди эҳтиёткорлик билан кичкинтой Фритц.

ҲАЗИЛ САНДИҒИДАН

Эр овдан қайтибди:

— Ов қандай бўлди? — сўрабди хотини.

— Яхши. Биз энди бир ой мобайнида гўшт сотиб олмайдиган бўлдик.

— Буғи овладингми?

— Йўқ маошимни ичиб қўйдим.

* * *

Бир бола катта опаси билан дўстлашган йигитни учратиб қолибди.

— Мен Луизани ўпганингни кўриб қолдим.

— Бас секинроқ, мана сенга 100 марка ва бошқа бу ҳақда гапира кўрма.

— Раҳмат, аммо 50 маркангни қайтариб ол.

— Нима учун?

— Мен ҳаммадан бир хил ҳақ оламан.

Немисчадан Шуҳратхон ИМЯМИНОВА таржимаси

«ҚЎҒИРЧОҚ» ЧАЙНВОРДИ



1. Узоқ ишлаш натижасида терида ҳосил бўлган шиш. 2. Қавилган нарсаларнинг икки томонига ўтказиб тикилган чоки. 3. Ҳокандоз, оловкуракнинг шевадаги яна бир номи. 4. 400 граммгача келадиган оғирлик ўлчови. 5. Омбор вазифасини ўтовчи кичикроқ хона. 6. Сочдаги кепаксимон қуруқ тўқималар. 7. Сувда сузувчи кичкина сув транспорти. 8. Бунёд этмоқ, барпо қилмоқ. 9. Сутдан ажратиб олинадиган қуюқ ёғли маҳсулот. 10. Қайнаган, қайнаб турган. 11. Чархлаш учун ишлатиладиган тош. 12. Такрорланадиган ёки такрорланган ибора, гап. 13. Бирор йигитга унаштирилган қиз. 14. Туркий халқлардан бири. 15. Юпқа наматдан қилинадиган бош кийим. 16. Титроқ. 17. Махбуслар қамаладиган жой, турма. 18. Шарсимон йўл ўсимлиги, шўрак. 19. Қарига ўхшаб кўринадиган, қаринамо. 20. Балиқ овлаш учун ишлатиладиган ипли махсус илгак. 21. Тулкига ўхшаш кичикроқ йиртқич ҳайвон. 22. Бирор нарсанинг қотиб қолган устки қатлами. 23. Сутдан ивитиб тайёрланган маҳсулот. 24. Синдириш, кесиш қийин бўлган, маҳкам. 25. Нам тупроқ бетида ҳосил бўладиган қаттиқ қатлам. 26. Ўтакетган камбағал. 27. Гапдон, маҳмадона(қизлар ҳақида). 28. Қиз бола, ёш қиз. 29. Кескир қилмоқ, чархламоқ. 30. Сув бўйларида яшовчи қизил оёқли балчиқ қуши. 31. Ажиб, ғалати. 32. Қирларда, адирларда тўда-тўда бўлиб очилувчи гул. 33. Нарсани бировдан аяйдиган, бахил. 34. Қўлдаги меҳнатнинг «изи». 35. Мато қоғозлардан қирқиб олинган парча ёки ортиб қолган қийқим. 36. Азоб, азият, озод. 37. Қийинди, қийқим. 38. Эгилган, эгри. 39. Балиқнинг игнасимон суяги. 40. Сидирмоқ, тарашламоқ. 41. Кам овқат ейдиган, чимхўр одам. 42. Ёғочнинг арраланганда ҳосил бўладиган майда заррачалари. 43. Кўчманчи туркий халқ. 44. Саноқ сон. 45. Барги йирик спорали ўсимлик, папортник. 46. Сув бўйидаги қуруқлик. 47. Терига бирор нарса тегиши натижасида юзага келадиган асабий сезги. 48. Қулоқни тешгудай қаттиқ овоз. 49. Шаҳарнинг акси. 50. Нарсаларнинг устки қатлами ёки пўст. 51. Шапалоқ баргли йирик полиз экини. 52. Белга боғланадиган тўртбурчак мато. 53. Полиз экини. 54. Ерга қоқиладиган учи ўткир ёғоч ёки темир. 55. Бизга қўшни туркий халқ. 56. Бўлув амалида ортиб қолган сон. 57. Дунёқараши, онг-тушунчаси паст, етук эмас. 58. Қайчи билан бўлмоқ. 59. Идишларнинг очилиб-ёпилиб турадиган томонини беркитувчи қисми. 60. Кўзнинг маркази. 61. Шашшақлар оиласига мансуб сайроқи қуш. 62. Гала-гала бўлиб учадиган қора қуш, чуғурчиқ. 63. Республикада яшовчи туркий халқ. 64. Тоғли ерларда ўсадиган доривор ўсимлик. 65. Табибчиликда қон олиш учун ишлатиладиган асбоб. 66. Тутқунликдан қочган киши. 67. Жоним тасаддуқ. 68. Чеҳраси доим очиқ, ҳушчақчақ. 69. Сув олиш учун қазилган тор ва теран чуқурлик. 70. Самолётнинг орқа қисми. 71. Ун ва тухум чақиб қовурилган овқат. 72. Миннатдорчиликни ифодаловчи сўз. 73. Эшитиш органи. 74. Кўз косасини қопловчи тери. 75. Қўйнинг тезаги. 76. Қиёқнинг қуруқликда ўсадиган бир тури. 77. Ошқозон, қорин. 78. Қум аралашган, қумли. 79. Зиқна, хасис. 80. Суви, нами йўқ ёки оз. 81. Оғуш, бағир. 82. Чиғириқнинг ҳаракат узатувчи тишли қисми. 83. Қўйнинг боласи. 84. Қуруқлик ичига суқулиб кирган сув. 85. Ногиронларнинг махсус ҳассаси. 86. Ўқотар қуролларнинг елкага тираб турадиган қисми. 87. Сайёҳ, меҳмон. 88. «Телефон» сўзининг сўзлашувдаги бошқа номи. 89. Юраги йўқ, юраксиз. 90. Кўчирма гапларда ишлатиладиган асосий тиниш белги. 91. Болалар ўйинчоғи. 92. Икки томонида қулоғи бўлган идиш. 93. Орқа оёқлари узун, сакраб юрувчи тунги ҳайвон.

Тузувчи: Элмурод ЭГАМҚУЛОВ
Жомбой тумани

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0025.
Тиражи 19156. Г. 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2

Навбатчи муҳаррир: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Навбатчи: Ғофур ЖАБИЕВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.
Ⓜ белгиси остида реклама материаллари берилади

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
E-mail: marifat@ars-inform.uz
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-57-89, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими — 136-54-69 (факс).

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—21.00.
Топширилди —21.00